

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 15-iyul • №29 (4116)


## УЛУҒ ХОТИРА ЧИРОҒИ

Бу дунёда инсонни эзгуликка чорлайдиган, эл-юрт корига ундайдиган, шунинг баробарида ўзини ҳам юксалтирадиган амаллар бисёр. Кимдир йўл қуради, кимдир қақраб ётган ерга сув чиқаради, яна кимдир боғ-роғ яратади... Албатта, одамдан яхши ном қолгани яхши. Халқ уларнинг хизматини ҳеч қачон унутмайди, ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади. Аммо Ватан озодлиги йўлида курашган, миллат ғурури, эл шаъни, юрт равнақи учун ўз жонини фидо этган инсонлар хотирасини абадийлаштиришдан ҳам ортиқ савоб иш борми? "Шаҳидлар хотираси" зиёратгоҳига қадам қўярканман, хаёлимдан шундай ўйлар ўтди.

Бугун яхши биламизки, мана шундай эзгу ишлар Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилди. 1999 йилнинг ёзида давлатимиз раҳбари Юнусобод туманидаги Бўзсув соҳилида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи қандай бўлишини, қаерда хиёбон, қаерда кўприк, қаерда ёдгорлик барпо этилишини кўрсатиб, зарур йўл-йўриқлар берди.

Баландликдан мажмуа кафтдагидек кўриниб турибди. Бир маромда оқаётган Бўзсув қирғоқлари ободлаштирилиб, чиройли манзара касб этган. Арча ва дарахтлар бир текис саф тортган, анвойи гуллар экилган. Уларга қараган кишининг дилини ажиб бир сокинлик чулғайди.

Мармар зиналардан пастроқдаги майдончада шарқона меъморий мажмуа қад ростлаган — мовий гумбазли айвон устунлари орасида қатағон қурбонларининг рамзий қабри жойлашган. Унинг атрофи гуллар билан қопланган, йўлакларга ҳам мармар ётқизилган. Зиёратчилар учун ўриндиқлар ўрнатилган.

Эрталаб барвақт "Шаҳидлар хотираси" мажмуини зиёрат қилиб қайтаман, деб режалаштиргандим. Борсам, зиёратчилар қўлларини дуога очиб, марҳумлар руҳига тиловат қилаётган экан. Улар қаторига қўшилдим. Шу тобда таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг ушбу сўзлари ёдимга тушди: "Шаҳидлар хотирасига бағишланган ёдгорлик юртимизнинг ҳар бир вакили учун энг муқаддас зиёратгоҳ бўлиб қолади. Бу ерга келиб, шаҳидлар ҳақига тиловат қилган ҳар бир инсон яна бир карра уларнинг ишини давом эттириш, мустақил юртимизни обод қилиш, ҳаётимизни фаровон этиш учун ўша қаҳрамонлардек фидокорлик билан иш юритишга жазм қилади".

Ҳа, ўтганларни хотирлаш, руҳларига ҳурмат бажо келтириш ўзбек халқининг табиатида бор. Биз ўз улуғларимиз, Ватан, миллат, халқ озодлиги, дея ўз азиз жонларини фидо этган ота-боболаримизнинг порлоқ хотираси олдида ҳамиша бош эгамиз, уларнинг муқаддас зиёратгоҳларига талпинаверамиз.

Қатағон қурбонлари... Улар қатл этилган жой сир сақланган, жасадлари дафн этилмаган, ном-нишонсиз кетган, шу боисдан руҳлари қўним топмай кезиб юрган. Яқинлари, қариндош-уруғлари уларнинг қабрини қаердан излашни ҳам билишмаган.



"Шаҳидлар хотираси" зиёратгоҳи — Ватан озодлиги, юрт мустақиллиги йўлида ўз жонидан кечганлар мозори ва уларнинг безовта руҳи таскин топган маскан. Бу ерга уларни ёд этиб, ўғил-қизлари, набиралари келишади.

Ёзнинг иссиқ кунида одамга тетиклик бағишловчи фавворалар ёнидан ўтиб, кўприк устида тўхтадим. Бу ердан қараганда зиёратгоҳ янада улуғвор кўринади. Қаршимда "Қатағон қурбонлари хотира музейи" биноси, пастда Бўзсув мавжланиб оқмокда.

Давоми иккинчи саҳифада.

Шеърий лаҳза

Усмон ҚЎЧҚОР

## БАХТ БИТИГИ

**Бир олма еб кекса ёшингда,**
**Сен йигитга айланганинг йўқ.**
**Қанча қилич синди бошингда,**
**Вужудингга ботди қанча ўқ.**

**Бу тонгларга етмаклик учун,**
**Май ичгали зафар жомидан,**
**Девлар билан жанг қилдинг тун-кун,**
**Кечдинг аждаҳолар комидан.**

**Бугун белда йигирма қийиқ,**
**Бошда дўппи, эгнингда тўн — бир,**
**Бу тарихий тўйга пешвоз чиқ,**
**Қутлаб келди 2011.**

**Оқсоч тарих ўй суриб, аё,**
**Бахт ҳақида хат битса агар —**
**Истиқлолдан илгари ва ё**
**Истиқлолдан кейин деб ёзар!**

## "ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" СОЛНОМАСИ

Қутлов

### 2003 ЙИЛ

**Кўҳна тарихимиздаги не-не буюк ва унутилмас воқеаларнинг гувоҳи бўлмиш бу муаззам шаҳарда бошланаётган ушбу санъат анжумани миллатлар ва инсонлар қалбида азалдан яшаб келаётган эзгулик ва нафосатга интилиш туйғусини, бугунги кунда турли халқлар ва цивилизациялар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорликка бўлган эҳтиёжнинг нечоғли катта эканини яққол намоён этиб турибди.**

**Одамзод ҳаётининг доимий ҳамроҳи бўлган ва унинг маънавий дунёсини тўлдириб, доимо эзгулик ва покликка чорлаган илоҳий қудрат — мусиқа санъати, ўзбек халқининг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоий таъбири билан айтганда, кўнгил қуввати, руҳ саодатидир.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Шарқ тароналари" тўртинчи халқаро мусиқа фестивали очилиш маросимидаги табрик сўзидан.

Жараён

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатидан иштирокчилар ташриф буюрди. Мусиқашунос профессор, Корея мусиқа академияси президенти Ким Шин Ван бошчилигидаги ҳайъат аъзолари ғолибларни аниқладилар. Таниқли мусиқашунос олимлар ва ижрочилар иштирокида ўтган анжуман "Шарқ қўшиқчилик санъати: ижод ва талқин муаммолари"га бағишланди.

Фестивални кўплаб оммавий ахборот воситалари, жумладан, "Ас-сиясия" ва "Ат-таҳрир" (Миср), "Йеничағ" (Туркия), "Коммерсант" (Россия) газеталари журналистлари кенг ёритди.

Ғолиблар

Фестивалнинг олий мукофоти — Гран-при Россиядан ташриф буюрган Тува республикасининг "Уран-Хай" гуруҳига топширилди.

Биринчи даражали мукофотга Дилнура Мирзақулова (Ўзбекистон) ва Фозил Жамшидий (Эрон) сазовор бўлди.

Иккинчи даражали мукофотга Озода Ашурова (Тожикистон) ҳамда Забит Набизада (Озарбойжон) муносиб топилди.

Учинчи даражали мукофот Бангладеш ва Афғонистон жамоаларига топширилди.

Эътироф

**Аҳмад Жалолий, ЮНЕСКО Бош анжумани президенти:**

— Жаҳон меросининг дурдонаси бўлмиш — кўҳна Самарқандда турли давлатларнинг ранго-ранг байроқлари ҳилпираб, гўзал мусиқа ва қўшиқ садолари остида IV халқаро "Шарқ тароналари" фестивалининг тантанали очилиш маросимида иштирок этдим. Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган қадимий Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Регистон майдони яна бир бор турли тилда сўзлашувчи кишиларга сўз билан ифода этиб бўлмайдиган туйғуларни умумий тил — куй ва қўшиқ воситасида ифодалаш, ўзаро яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш имконини берди.

**Арслан Текин, журналист, ёзувчи (Туркия):**

— Мен фестивалда аввал ҳам иштирок этганман. У йилдан йилга оммалашиб, иштирокчилари кўпайиб, савияси юксалиб бораяпти. Ўзбекистон номининг дунёга ёйилиши, маданият бешиги бўлган Ўрта Осиё мусиқа санъатини янада кенгроқ танитишда анжуманнинг аҳамияти катта. Фестивалнинг Самарқанддек дунёга машҳур шаҳарда ўтказилишида катта маъно бор. Таассуротларим бир дунё.

## БАЙРАМНИ ОРЗИҚИБ КУТЯПМАН

Тошкентнинг қоқ марказида муҳташам иншоот қурила бошлаганини кўриб, таниш-билишлардан бу бино нима бўлади, банкми, меҳмонхонами деб сўрардим. Улар Навоий кутубхонасининг янги биноси, деб айтишди. Шу гапни эшитдиму юрагим қувончга тўлди.

Хотира ва Қадрлаш байрами куни Президентимиз бинога ташриф буюрди. Унинг қурилиши, меъморий қиёфаси юзасидан муҳим топшириқлар берди.

Муносабат

Навоий кутубхонасининг эски биноси анчайин кўримсиз, айниқса, орқасига тирговичсимон қурилган омбор уни букур одамга ўхшатиб қўйганди. Бузиб тўғри қилинди.

Бир неча йиллар мобайнида эски бино ўрнига янгиси қурилишини кутиб, орзу қилиб юрардим. Не ажабки, орзуларим ушаладиган бўлди. Бу хайрли иш учун Президентимизга барча китобсеварлар номидан чин юракдан ташаккур изҳор этамиз.

Ҳар ҳафта бориб маҳобатли иншоотнинг қурилиши қандай кетаётганини кўздан кечираман. Иш жадал олиб борилаётганини кўриб мағрур ва сарбаланд юраман.

Болалар учун юзлаб спорт иншоотлари қурилаяпти. Минг раҳмат. Навбат кутубхонага келди. Бу муҳташам бинони қуришга жуда катта маблағ сарфланиши ҳаммага аён. Саховат зое кетмайди, энди келажак авлод нафақат жисмонан соғлом ва бақувват, балки руҳан баркамол ҳам бўлиб етишади. Биз кексалар ҳам четда турмай бутун билим ва тажрибамизни ёшларга сингдиришимиз керак. Болаларда ёшлигидан китоб ўқишга ҳавас уйғотсак, катта бўлганида ҳам ўқийди. Алқисса, янги кутубхона буюк давлатнинг шаҳодати, ёрқин намуналаридан биридир.

Ҳазрат Навоий саводни, билимни, адабни, маънавиятни ҳар нарсадан юқори қўйган, чунончи саноатимиз, иқтисодимиз қанчалик гуркираб ўсмасин, маънавиятимиз мажруҳ бўлса, ҳеч қачон рўшнолик кўрмаймиз, деган.

Бундан бир неча аср муқаддам битган сатрлари:

**Олтину кумуш этма касб давлат кунидан,**
**Ким, тортар адаб улусни меҳнат тунидан.**
**Гар йўқтир адаб, не суд олтин унидан,**
**Элнинг адаби хушроқ эрур олтинидан.**

Бу сатрлар ҳали ҳамон уйғоқ ва барҳаёт. Халқнинг саводини, билимини ошириш учун мустақиллик йилларида кўп саъй-ҳаракатлар қилинди, таълим соҳасида катта ислоҳотлар ўтказилди. Натижада турли халқаро илмий кўрикларда ўқувчиларимиз совринли ўринларни эгаллаяптилар. Мана шу ютуқларни кўпайтириш мақсадида билим ўчоғи, ҳикматлар хазинаси — кутубхона қуриляпти.

Ҳақиқий ватанпарварлар билимдон одамлардан чиқади. Билимсизларда ватанпарварлик ҳиссидан кўра пул ва бойликка ўчлик юқори туради. Фақат фозил инсонлар Ватан учун жон беришга тайёр бўладилар. Ўз фикрига эга, мустақил шахс бўлиш учун ҳам билим керак. Демак, кутубхона қурилиши айни муддао.

Алқисса, кутубхона қуриш узоқни ўйлаб қилинаётган оқилона иш.

Менинг ҳамкасб ёзувчиларга бир илтимосим бор: маҳобатли кутубхонанинг нафақат ташқи кўриниши кўркам, балки ичи ҳам бой, мазмунли бўлиши учун ҳар биримиз ўз китобларимиздан уч-тўрт нусха тортиқ қилайлик!

Бугун мен яна кутубхонага бордим, қурилиш қандай кетаётганини кузатдим. Юрагим ғурур ва ифтихорга тўлди, хуш кайфиятда уйга қайтдим.

Кутубхонанинг очилишини — адиблар, китобхонлар байрамини орзиқиб кутяпман.

**Фарҳод МУСАЖОН**

Тақдимот

Театр замонавий мавзудаги саҳна асарларига ҳамиша катта эҳтиёж сезади. Бинобарин, ҳаётий муаммоларга одамларнинг изчил муносабати холис ва ҳозиржавоблик билан ёритилган саҳна асари яратишнинг мураккаб жиҳатлари кўп. Аввало, юз бераётган жараёндаги ўткир драматик конфликтлар ечими муаллифдан жиддий изланишни тақозо этса, воқеалар ривожини табиий ўзанда кўрсатиш ўрнига муаммоларни енгил йўл билан ҳал қилишга уриниш эса томошабинни ишонтирмаслиги мумкин.

Ёзувчи Қўчқор Норқобилнинг Ўзбек миллий академик драма театрида тақдимоти бўлиб ўтган «Қуёшни сен уйғотасан» спектаклини бу жиҳатдан драматург ва режиссёрнинг жиддий ютуғи дейиш мумкин. Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Валижон Умаров драматург ғоясининг асосий мазмун-моҳиятини саҳнада тўлақонли гавдалантиришга муваффақ бўлган.

Севиб турмуш қурган икки ёш(Қодир ва Шабнам)нинг яхши ҳаёт кечиришга интилиши табиий. Бироқ улардан бири бунинг учун имкониятни ўз юрти, ўз қишлоғидан эмас, узоқдан излаб хорижга йўл олади, мўмай бойлик орттириб қайтишни ният қилади. Унинг севгилиси Шабнам учун эса бу уринишлар ортиқча ва беҳуда. Унга жуфти ҳалоли, оиласи, фарзанди бағрида бўлишдан ортиқ бахт йўқ.

Ана шу вазиятда қаҳрамонлар ўртасида туғилган драматик коллизия асарнинг охиригача сақлаб қолинади. Беш йил мобайнида эрининг қайтишини кутиш, ўғлини соғиниб кўзлари ногирон бўлар даражага етган қайнонага ҳамдард бўлиш, қизи Дилдорани ўкситмай тарбиялаш ёлғиз Шабнамнинг ўзи учун осон кечмайди. Эркаги олисда бўлган уйнинг қаровсиз ерига ва бекасига кўз олайтирувчилар ҳар қадамда топилади. Бундай вазиятда, эҳтимол Шабнамдан бошқа аёл бўлганда, кутишдан толиққан ва нисбатан осон йўлни танлаб, ҳаёт зиддиятлари олдида таслим бўлган, иродасига қарши йўл тутган бўларди. Бироқ қийинчиликлар қаршисида ҳамма ҳам осонгина бўйин эгиб кетаверадими? Шабнамнинг изтироблари, ёлғизлик азобидаги қийналишларини кўриб турган томошабин унинг тақдирига нисбатан ачинибгина қолмайди, беихтиёр унга бардош тилайди, тузаётган режалари амалга ошиши учун ҳамдард бўла бошлайди. Шабнамнинг йўлига минг бир тузоқ қўяётган таъмагир кимсаларга нафрат аланга олади. Бироқ қуруқ нафрат билан иш битмайди.

## «ҚУЁШНИ СЕН УЙҒОТАСАН»



Муаллиф ва режиссёрнинг асосий мақсади ҳам зиддиятларни осонгина ҳал этиб, кескин воқеалар баёнини шарҳлашдан иборат эмас, аксинча, юз бераётган жараёнга томошабиннинг ҳам холис муносабатини шакллантириш. Негаки, ҳаётда ҳамма ҳам қаҳрамон бўлавермайди. Имкон қидирган, курашган, қийинчиликлар қаршисида ўзини йўқотмаган, ишонч ва иродаси мустаҳкам одамларгагина толе ёр бўлади. Бизнинг замонавий қаҳрамонимиз ана шундай жасоратли одамлар бўлмоғи керак.

Давоми иккинчи саҳифада.

## Саралаш босқичи якунланди

"Ниҳол" мукофотининг вилоятлар ва Қорақалпоғистон республикасида ўтказилган саралаш танловлари якунига етди. Куни кеча Фарғона вилоятида ўтган саралаш босқичида ҳам ғолиблар аниқланди. Бу ҳақда "Ниҳол" мукофоти кенгаши аъзоси, композитор **Ойдин Абдуллаева** шундай деди:

— Сўнгги вақтларда ёшларнинг замонавий эстрадага берилиб кетаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Фарғоналик ёшларнинг чиқишларида бунинг аксини кўрдик. Улар орасида мақом ва мумтоз ашулаларга қизиқиш катта. Бу, албатта, устоз-шогирд анъанаси яхши йўлга қўйилганидан далолатдир.

Танловда иштирок этган юзга яқин хонанданинг деярли барчаси ҳақида илиқ фикр билдириш мумкин. Кўпгина ёшларнинг ижроси профессионал даражада. Уларнинг овоз имкониятларидан фойдалана билиш маҳорати, артистлик қобилияти энг талабчан томошабинда ҳам ҳавас уйғотади. Айниқса, анъанавий хонандалик йўналишида биринчи ўринни қўлга киритган Дилором Абдуазимованинг микрофонсиз жонли ижроси барчани ҳайратга солди. Бу хонанда танловнинг ҳақиқий кашфиётига айланди. Академик йўналишда ғолиб деб топилган Отабек Маҳмудовнинг чиқишлари ҳам эътирофга лойиқ. Ҳали ҳаваскор бўлишига қарамай, "Майсаранинг иши" операсидан парчаларни моҳир солистлар даражасида ижро этди. Отабекнинг актёрлик истеъдоди ҳам яхши чархланган.

Танловда ғолиб ва совриндор бўлган Беҳзод Эшонов, Дониёр Турғунбоев, "Наво-соз" ансамблининг чиқишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бу ёшларнинг барчаси танловнинг республика босқичида қатнашади.

**Ситора ВАЛИҚУЛОВА ёзиб олди.**

### БИЛДИРИШ

2011 йил 20 июл, чоршанба куни соат 11.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Мажлислар залида корейс тилида нашр қилинган "XX аср ўзбек шеъриятидан намуналар" ва инглиз тилида нашр қилинган "Қалбим сизга интилади" китобларининг тақдимоти ўтказилади. Тадбирга барча қизиққанлар таклиф этилади.

Манзил: "Ўзбекистон" кўчаси, 16-А уй, 6-қават.

***Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси***

# УЛУҒ ХОТИРА ЧИРОҒИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Истиқлол йилларида миллий урф-одат ва анъаналаримизни, қадриятларимизни тиклаш, ноҳақ жабрланган тарихий сиймолар хотирасини эъзозлаш, уларнинг ҳаёт йўли ва илмий меросини ўрганиш, бир сўз билан айтганда, тарихий адолатни қарор топтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида барпо этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи — шаҳидлар қони тўкилган қадамжо. Бу зиёратгоҳ инсон туйғуларини она юртига боғлаб туради. Бугунги ёруғ кунларимизга етиб келолмаган, шу йўлда фидо бўлган собит ва оловқалб оталаримизни ёдга солади, Ватан ва озодлик қадр-қимматини англатади.

— Ука, малол келмаса бизни суратга олиб қўйсангиз.

Кўприк тўсиғига суянганча хаёлга берилиб анча туриб қолибман. Аёл кишининг овози хаёлимни бўлди.

— Водийдан, Фарғонадан келганмиз, — деган ўрта ёшлардаги аёл тўрт-беш нафар ўзи тенги дугоналарига қандай ҳолатда суратга тушишлари лозимлигини уқтирарди. Сўнг яна менга юзланди. — Булар қишлоқдошларим, тўғрироғи собиқ синфдош дугоналарим. Кўпдан буён Тошкентга бориб, "Шаҳидлар хотираси"ни зиёрат қиламиз, деган ниятда юргандик. У ёғини сўрасангиз, иш, рўзғор деганларидек... Мана, бугун ниятимизга етдик. Э, сўзамоллигим ҳам қурсин, сизнинг вақтингизни олдим-а. Энди, бизни шундай тасвирга олинг: орқадаги манзара кўриниб турсин.

Мен у айтгандек қилдим, миннатдорлик билдиришди. Балки касбим тақозосига кўра улар билан суҳбатлашсам, ўзимни таништирсам, тўғри бўларди. Вақтлари зиқ кўринади, деб фикримдан қайтдим.

2001 йил 1 май. Бу сана ҳали жуда кўп тилга олинади. Шу куни Президентимизнинг "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармонга кўра, ҳар йили 31 август куни — Мустақиллик байрами арафасида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ўтказилиши белгилаб қўйилди.

"Бу маросимда, — деб таъкидлайди Юртбошимиз, — моҳият-эътибори билан истибдод зулмини ўз бошидан кечирган халқимиз тақдири, унинг тортган азоб-уқубатлари, кулфат ва ситамлари, бегуноҳ одамларнинг мустабид сиёсат тегирмонида, тарих ғилдираги остида ноҳақ эзилиб-янчилиб кетгани ўз ифодасини топиши даркор. Акс ҳолда, қатағон гирдобига тортилган минглаб оддий деҳқонлар, косиб ва ҳунармандлар, боғбон ва ишчилар, ўқитувчи-ю қурувчиларнинг фожиали қисматини ким эслайди, ким уларни ёдга олади?

Биз қатағон қурбонлари ҳақида гапирганда, уларни ёдга олганда фақат "Шаҳидлар хотираси" мажмуи қад кўтарган Бўзсув соҳилларини эмас, балки Фарғона водийсини, Самарқанд ва Бухорони, Қашқадарё ва Сурхон заминини, Хоразм ва Қорақалпоғистонни, мухтасар қилиб айтганда, бутун Ўзбекистонни аниқ-равшан ўзимизга тасаввур қилишимиз, ҳар бир шаҳар ва қишлоқдан қанчадан-қанча одамлар, аждодларимиз қатағон этилганини унутмаган ҳолда уларни хотирлашимиз даркор.

Бу гаплардан келиб чиқадиган хулоса шуки, бу борадаги маърифий-мафкуравий ишларда бошидан жуда кўп фожиалар ўтган халқимиз, унинг сабр-бардоши, иймон-иродаси, елкамизга офтоб теккан бугунги кунлар, истиқлол ва озодликнинг қадр-қиммати ҳақида атрофлича фикр юритишимиз, шу масалаларга алоҳида урғу беришимиз лозим."

"Қатағон қурбонлари хотира" музейига кираверишда қандай даврлар аксини топгани ёзиб қўйилибди. Уни кўздан кечираётгандим, ходималардан бири менга йўл-йўриқ кўрсатди ва "Танишишни мана бу томондан бошланг", деди. Одатда, биз қатағон даври деганда, асосан, 30-йилларнинг иккинчи ярмини кўз олдимизга келтирамиз. Қатағон қилинган зиёлилар Чўлпон ва Фитрат, Абдулла Қодирий ва Усмон Носир сингари адабиётимиз намояндаларини эслаб ўтамиз. Тўғри, бу улуғ зотлар ўз даврида ноҳақ қатағон қилинган. Уларнинг қанчадан-қанча орзу-ниятлари ушалмай қолган. Бу сиймолар хотираси халқимиз қалбида доим сақланади. Мен музей экспонатларига боқиб, "қатағон қурбонлари" деган тушунча аслида кенг ва теран мазмунга эга эканига амин бўлдим. Инсонийликка ёт, зулм ва зўравонлик, тазйиқ ва қўрқитиш сиёсати мустамлакачилик ва истибдод даврида, шўро замонида ҳам халқимизга, миллатимизга қарши олиб борилган. Мана бу экспонатлар шундан далолат беради: чор армиясининг Ўрта Осиёга босқинчилик юришлари акс эттирилган хариталар, ўша давр рассомлари томонидан чизилган жанг манзаралари, турли ўқотар қуроллар, тарихий ҳужжатлар, миллий озодлик ҳаракати қатнашчиларининг суратлари, Тошкентнинг босиб олиниши, 1916 йилги Жиззах қўзғолонининг бостирилиши, шўро ҳокимияти ўрнатилиши, Туркистон мухториятининг тугатилиши, колхозлаштириш сиёсати оқибатида оилалар сургун қилингани, 30-50-йиллардаги қатағон, "пахта иши"... Уларнинг ҳар бири тарих, ўқиб-ўрганиш, ёзиш учун аҳолида мавзу. Демак, қатағон қарийб 130 йилни ўз ичига олади.



Музей экспонатлари орасида "Халқ хотираси олдида бош эгамиз" номли рисолага кўзим тушди. Бу китобча менинг шахсий кутубхонамда ҳам бор. Унда Ҳусан Тожибоев шундай ёзади: "1953 йили Алвасти кўприк яқинидаги 5-ғишт заводида ҳайдовчи бўлиб ишлардим. Алвасти кўприк яқинидан тупроқ олаётганда Миролим ака деган киши: "1937 — 38 йилларда бу ерга одамлар олиб келиб отилган. Аввал уларнинг суякларини йиғиштириб олайлик", дегани ёдимда.

Биз тупроқ олишда давом этдик. Кейинги куни Миролим ака айтган жой очилди. Чуқурликда одамларнинг майийтлари устма-уст қалашиб ётарди. Улар ўша — отилган пайтда қандай бўлса, шундай кўринишда эдилар. Бироқ усти очилиши билан бир ҳовуч суякка айланарди.

Мени ҳайратга солган нарса шу бўлдики, маҳбусларнинг кийим-кечаги аксарият ҳолда сақланган. Ҳатто чирий бошлаган қоғозлар ҳам чиққан. Лекин уларни ўқиб бўлмаган, тўкилиб кетган.

Шунга ҳам ярим асрча бўлди. Аммо ҳамон кўрганларим кўз олдимдан кетмайди.

**Ватан учун яшайлик!**

Ўғил-қизларим, набираларим билан "Шаҳидлар хотираси" зиёратгоҳини айланар эканман, қатлгоҳлар ўрнида қатағон қурбонлари руҳини шод этувчи шундай мўътабар масканни яратган, савобли ишларга бошқош бўлаётган раҳбаримиз ҳаққига дуо қиламан, шаҳид кетган аждодлар руҳи ҳар доим у кишини қўлллаб-қувватласин, дейман".

Музейдаги ҳар бир бўлим аудио-видеоаппаратлари билан жиҳозланган. Бу қулайлик зиёратчиларга давр руҳи акс эттирилган лавҳаларни кўриш имкониятини туғдиради. Бу ерга ташриф буюраётган отахону онахонларнинг ўғил-қизлари ва набираларини ҳам ўзлари билан бирга зиёратга олиб келиши яхши анъана тусига киргани кишини қувонтиради. Улар бошидан қандай замонлар ўтганини кўргазма асосида гапириб беришади. Бу, албатта, баркамол авлод тарбиясига, ўтмишни янада теранроқ англашга, ҳар биримизни бу ёруғ кунларнинг, озодликнинг қадрига етишга ундайди.

Музейдан чиқиб, яна "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуини айландим. Айтишларига қараганда, бир пайтлар бу жой Алвастикўприк ва қўрқинчли жарликлардан иборат бўлган, кечалари даҳшатли ўқ овозлари эшитилиб турган. Теварак-атрофда истиқомат қиладиган одамлардан баъзи бир довюраклари тунлари қўрқа-писа панада туриб кузатишса, бу ерда одамлар қатл этилар экан. Лекин бу тўғрида суриштириш, гапириш, овоза тарқатиш қатъиян таъқиқланган. Шу тариқа ўз Ватанини мустақил кўриш орзусида ёниб яшаган халқимизнинг энг сара ўғлонлари отиб ташланган, бекафан, бежаноза кўмиб юборилган.

"Шаҳидлар хотираси" зиёратгоҳи қуриб битказилган кезлар эди. Қишлоқдан отам келди. Бозорга олиб тушай, у-бу жойни томоша қилдирай, десам унамади. Зиёратгоҳнинг очилганини эшитган экан, мени ўша ерга олиб бор, шаҳидлар руҳига тиловат қилиш учун атай йўл босдим, деди.

Ёшим ўттиздан ошган бўлсада, отамни ҳечам бу аҳволда кўрмагандим. Юзидаги ажинлар янада қуюқлашиб, қадоқ қўллари титрай бошлади. Қатағон қурбонларининг рамзий қабри ёнида ўтириб тиловат қиларкан, кўзларидан оқаётган ёш тўхтамади.

— Ўғлим, бу муқаддас жойга тез-тез келиб тур, — насиҳат қилди отам. — Буни бурчим деб бил. Одамлар олис-олисдан келади. Сенга эса бир қадам экан.

Ҳалигача ўшанда нега отамнинг кўзлари ёшланди, деган савол мени қийнайди. Балки қатағон зулми олис Камчатка ярим оролига улоқтириб ташланган тоғасини ёки иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида дом-дараксиз йўқ бўлиб кетган акасини эслагандир, балки урушдан соғ-омон қайтса-да, қандайдир сабабларга кўра то умрининг охиригача уруш қатнашчиси эканини айтишдан қўрқиб, бирон-бир имтиёздан фойдаланмаган катта бобомни хотирлагандир.

* * *

Келажаги буюк давлатни комил авлод қуради. Ўз фидойи аждодларини ёд этиш ҳам комиллик аъмолларидан биридир. "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи мана шу эзгу мақсад йўлида хизмат қилади. Улуғ хотира чироғи асло ўчмайди.

**Суюндик МАМИРОВ**

**Сўздан сўзнинг фарқи бор...**

## ҚИЛТИРИҚ

Биз, одатда, қилтириқ деганда ниҳоятда озғин, жуда ориқ, деган маънони тушунамиз. Ҳолбуки, "қилтириқ" сўзининг туб маъноси дон қобиғи учидаги ингичка узун қилча, демакдир. Ўзбек тилининг этимологик луғатида изоҳланишича, бу сўз қадимда ҳам шундай маънони англатган.

Ўйлаб қарасангиз, бу сифат жуда озғин одамга нисбатан бекорга кўчмаган. Ҳақиқатан ҳам, дон қобиғи учидаги қилча ниҳоятда ингичка бўлади. Бу сифатнинг одамга кўчиши учун кузатувлар, қанча тарихлар керак бўлган.

## "ЎШАКЧИ" УШОҚЧИМИ?

"Ўшакчи" деган сўз менга болалик йилларимдан таниш. Қишлоғимизда чақимчи, майда гап, гап ташувчи одамларни "ўшакчи" дейишарди. Лекин чақимчиларни нега "ўшакчи" дейишларини ҳеч тушунолмаганман. Ҳозир ҳам жанубий вилоятларимизда бу сўз кўп қўлланади.

Маҳмуд Кошғарийнинг "Девони" индексида "ушоқ" сўзига шундай изоҳ берилади:

Ушақ I. — кичик, майда.

Ушақ II. — чақимчилик, маломат.

Дарҳақиқат, чақимчилик ҳам майда гаплар билан машғул бўлишдир. Чақимчилик майдакашлик, деган маънода "ушақ" сўзи билан ифодаланган бўлиши мумкин.

## "ЮКСАК"ДАГИ ПАТ

Қизиғи шундаки, "юксак" сўзидаги "юк" сўзи "қуш пати", деган маънони англатар экан. Кошғарий бу сўзни шундай изоҳлаган. Айни шу "юк" сўзига "-сак" қўшимчаси қўшилиб, "юксак" сўзи ҳосил бўлган. Ғалати-я... Биттагина сўзнинг мантиқий илдизлари ҳам қанча кечмишларга бориб тақалади.

## БЕШИК КЕРТТИ

Яқин ўтмишгача бизда бешик кертти, деган удум бўлган. Бу удумга кўра қиз болани чақалоқлигидаёқ кимгадир унаштириб қўйишган. Баъзи вилоятларимизда бу удум "қулоғини тишлатти", деб аталади.

Хўш, "бешик кертти" иборасидаги "кертти" сўзининг маъноси нима? Маҳмуд Кошғарий изоҳига кўра "кертик" сўзи белги деган мазмунда келади. "Кертти" эса, "кесилган, ўйиқ" деб изоҳланган.

Умуман, бу ибора "бешигида белгили қилди", деган маънони англатади.

**Эшқобил ШУКУР**

# БЕКАТДАГИ ХУНУК МАНЗАРА

Бир пайтлари бекат дейилса, кўз олдимизда на ўриндиққа, на соябонга ёлчиган хунук иншоот гавдаланарди. Ҳозирги бекатлар эса йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан бирга, аҳолига бошқа қулайликларни ҳам таклиф этади. Бирида дўкон ишлаб турибди, иккинчисида компютер хизмати, учинчисида уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш устахонаси фаолият кўрсатмоқда. Бекатларнинг ўз эгаси бор. Уларни замонавий тусга келтириш, кўрганда кўз қувонадиган бўлиши учун анча-мунча маблағ сарфланади. Қарабсизки, кўримсиз бекат шинам ва кўркам хизмат кўрсатиш масканига айланади.

**Куюнчак газетхондан мактуб**

Орадан бир кун ўтиб-ўтмай, гўзал бинонинг ойналарида, чиройли ранг бериб бўялган деворларида шамолда ҳилпираб турган "байроқча"лар — эълонлар пайдо бўлади. Уларнинг мазмуни турлича: бирида "Продам дом" дейилган, бошқасида "Сдам квартира" деган ёзув бор. Бошқа бир эълонда табиий соч сотиб олиш таклиф этилган. Шунақа мазмундаги юзлаб эълонларни кўчиргунча дўкон эгасининг эси кетади. Эртаси куни эса яна шу аҳвол. Яна эълонлар олиб ташланади. Индинига эса худди ўчакишгандек яна "байроқча"лар ёпиштириб кетилади. Натижада яқингинада таъмирдан чиққан деворларнинг бўёғи кўчиб, хунук манзара касб этади. Тоқати-тоқ бўлган мулкдор охири ўқлокдек келадиган ҳарфлар билан "Эълон ёпиштирма. Жарима ... сўм", деб ёзилган лавҳани осиб қўяди. Аммо шу пайтгача шахсан ўзим бунақа огоҳлантиришнинг фойда берганини ҳам, бекатга эълон ёпиштиргани учун биров жаримага тортилганини ҳам эшитганим йўқ.

Ҳолбуки, мутасадди ташкилотлар бу борада ўз фикрларини айтиши ва уй-жой савдосида даллоллик қилиб, бекату кўчаларимизга қоғоз "байроқча"лар илиб кетаётган маклерларни тартибга чақириб қўйишлари зарур, деб ўйлайман.

**Жамшид МАЛИКОВ**

# ИЖОД МАСЪУЛИЯТИ

8-9 июл кунлари биз наманганлик ўттиз нафар қаламкаш Дўрмон ижод уйида "Буюк ва муқаддас Ватан фарзандларимиз" шиори остида бўлиб ўтган ижодий учрашувда қатнашдик.

Мен ўн олти ёшдаман. Дўрмон учрашуви бизни катта адабий муҳит билан яқиндан таништирди. Устоз адибларнинг биз ёшлар билан ўтказган мулоқотлари ҳар бир иштирокчи учун сабоқ бўлди. Бу тадбир Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасидаги анжуманлардан бири бўлгани учун юрагимизда ғурур ва масъулият ҳиссини туйдик.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов билан бўлиб ўтган

**Устозлар ва шогирдлар**

ижодий мулоқот биз ёшларда унутилмас таассурот қолдирди. Дунёқарашимизни кенгайтирди.

Шеърий, насрий машқларимизнинг сатрма-сатр, сўзма-сўз таҳлили ижод жараёнида сўзни ҳис эта олиш масъулиятини зиммамизга юклади.

Мустақиллик майдони, "Шаҳидлар хотираси" хиёбони, Ҳазрати Имом мажмуаси, қўйингчи, Тошкент бўйлаб уюштирилган сайру саёҳатдан олган завқларимизни бадиий ижоднинг турли жанрларида ифода этмоғимиз лозим.

Ҳазрати Имом мажмуасидаги саёҳат жараёнида полшалик Юлианахоним ва Ланна хоним билан танишиб қолдик. Рус ва инглиз тилларида бемалол мулоқотга киришганимиз уларни ҳаяжонга солди.

— Сизлар чин маънода бахтиёрсиз, — деди Юлианахоним ҳавас билан. — Мен кўп мамлакатларда бўлганман. Аммо бундай гўзал диёрни, ёшлари кўп ва кўнгли очиқ миллатни кўрмаганман.

Дўрмон учрашувлари чоғида шуни англадикки, ёш ижодкорларга кўрсатилаётган эътибор рағбат уйғотади. Биз буни бутун юрагимиз билан ҳис этдик.

**Меҳриноз АББОСОВА,**
**Наманган давлат университети қошидаги 2-академик лицей талабаси**

# «ҚУЁШНИ СЕН УЙҒОТАСАН»

Бошланиши биринчи саҳифада.

Актриса Шодия Тўхтаева буни теран ҳис этиб, образни ишонарли талқин этишга ҳаракат қилган. Муаллифлар худди шу ўринда Шабнам тимсолида курашчан замонавий қаҳрамон образини гавдалантиришни ният қилганлари бежиз эмас. Айтиш мумкинки, улар бунга кўп жиҳатдан муваффақ бўлганлар. Шабнамнинг хатти-ҳаракатлари, тузаётган режалари, имконият қидириши, адолат истаб қийналиши, инсофли одамларга таяниши ҳаётий ва ишонарли чиққан.

Ипак толалардан иборат декорация бутун асар давомида ўзгармайди. Бироқ унинг саҳнавий талқини асар хотимасида — ипак толалари ҳаракатга келиб, атлас тўқила бошлангач аён бўлади. Саҳналаштирувчи рассом Шуҳрат Абдумаликовнинг бу топилмаси ҳам асар руҳига ниҳоятда уйғун. Оппоқ толалар эзгулик рамзи. Толалар эшилиб, бир-бири билан қўшилиб кетгандагина мустаҳкам кучга эга бўлади ва охир-оқибат гўзаллик яратади.



Истеъдодли актёрлар Шодия Тўхтаева (Шабнам), Ўзбекистон халқ артисти Дилбар Икромова (Ойдин момо), Асадилло Набиев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Рустам Каримов (Чори бобо) яратган образлар ҳам табиий ва ҳаётий чиққанлиги билан тақдимот маросимида театр залини тўлдирган томошабинларга ҳар жиҳатдан манзур бўлди.

**М.АБДУЛЛАЕВ**

# ФАНГА ҚЎШИЛГАН КАТТА ҲИССА

**Тақриз**

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши шу соҳага бўлган эътиборнинг кучайишига, тилшуносликнинг тадқиқ этилмаган бўлимлари назарий ва амалий жиҳатларининг ўрганилишига сабаб бўлди. Профессор Абдузуҳур Абдуазизовнинг "Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси"("Университет", 2010) монографияси ўзбек тилшунослигига қўшилган катта илмий ҳисса ҳисобланади. Тилшунослик соҳаларининг бир хил ёки тенг ривожланиши тил системасини бир бутун қабул қилишга, ундаги қонун ва қоидалар, қонуниятлар, мунозарали жиҳатларни назарий нуқтаи назардан тушунтириб бериш, уни амалда қўллаш, бошқаларга ўргатиш имконини беради.

Ўзбек тили фонетикаси бирмунча тадқиқ этилган бўлса-да, фонология ва морфонология бўлимлари соҳа сифатида шу пайтгача ўзбек тили материали асосида монография предмети бўлмаганди(бундан муаллиф китобининг 1992 йилги биринчи нашри мустасно).

Монографиянинг биринчи қисмида фонологиянинг консонантизм, ундошлар оппозицияси, вокализм, унлиларнинг синтагматик ўзгарувчанлиги, фонотактика масалалари ҳамда ўзбек тилининг фонологик универсалияларида тутган ўрни атрофлича тадқиқ этилган.

Китобда олим сегмент ҳамда суперсегмент морфонология ҳодисаларини ўрганган ва шу соҳадаги муаммолар, уларнинг ечимларига тўхталган. Муаллиф ҳозирги тилшуносликда фонемага берилган юзлаб таърифларни умумлаштириб, "фонема — тилдаги маънодор бирликлар бўлмиш сўз ва морфемаларни ташкил этувчи ва уларни фарқлаш учун хизмат қилувчи, тилнинг энг кичик, ўзи мустақил маънога эга бўлмаган бирлигидир", деган таърифни қўллайди. Шу билан бирга, монографияда фонологик оппозициядаги нейтрализация, жарангсиз ундошларнинг жаранглашиши, корреляция масалаларини назарий жиҳатдан асослаб, айтилган илмий фикрларни ёрқин мисоллар билан амалий исботлаган. Вокализм системасининг фонологик таҳлилида фонетика ва фонологиянинг узвий боғлиқлиги ҳамда уларнинг бир-бирини тўлдириши, фонетик-экспериментал текширишлар эса фонологик таҳлилнинг объективлигини таъминлашга хизмат қилиши ҳақида чуқур мулоҳаза юритилган. Фонетика ва фонологиянинг фарқланувчи жиҳатлари, уларнинг систем тилшуносликда тутган ўрни алоҳида қайд этилган.

Фонология ва морфонологияга доир бир қанча истилоҳлар ўзбек тилида қўлланилган.

Мазкур монографияда ўзбек тили фонологиясида мавжуд бўлган муаммолар фақат санаб ўтиш билан чегараланган эмас, балки уларни ҳал қилиш йўллари ҳам кўрсатилган.

Муаллиф мураккаб фонологик ва морфонологик муаммоларни ҳал этишда жаҳоннинг кўзга кўринган, таниқли тилшунос ва фонетистларидан Бодуэн де Куртене, Ф.де Соссюр, Н.С.Трубецкой ва бошқа бир қанча фонологик мактаб вакилларининг фонетика, фонология, морфонология соҳаларидаги қарашларига суянади. Улардаги ижобий жиҳатларни ўзбек тили фонологияси ва морфонологиясига ижодий ёндашув асосида тадбиқ қилади. Монографияда муаллиф томонидан баъзи тилшунос олимларнинг (масалан, А.Нурмонов, Ч.Бидвелл, А.Себерг) баъзи фонетик ҳодисаларга берган изоҳ ва тушунтиришларига аниқлик киритилган жиҳатларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, унлиларни бир қанча олимлар тасниф этишган. Табиийки, таснифлар ўртасида муайян фарқлар бор.




Муаллиф бу фарқларнинг сабабларини ҳам кўрсатиб ўтади. Унинг фикрича, бунга асосий сабаб "унли товушларнинг талаффузи ўзгарувчан эканлиги, ...таснифда қайси фонема назарияси асос қилиб олинганлиги билан" белгиланади.

Бундан ташқари, монографияда фонотактика ҳодисаси ва тушунчасига ҳам тўхталиб ўтилган. Унда "фонотактика" ва "фонемотактика" терминларининг табиати ва уларнинг бир-биридан фарқи йўқлиги ҳамда терминнинг биринчисини қўллаш мақсадга мувофиқлиги ҳақида атрофлича баҳс юритилади. Ўзбек тилидаги фонотактика ҳодисасининг хусусиятлари изоҳлаб берилади. Сўзларнинг боши, ўртаси ва охирида келадиган товушлар бирикмалари сўзнинг сегмент структурасига, сўзнинг акцент-ритмик, бўғин структурасига, просодик белгилари эса унинг суперсегмент структурасини изоҳлаши кўрсатилган.

Ўзбек тилининг унли ва ундош фонемаларининг алоҳида қўлланилиши ҳам китобда кўриб чиқилган. Унли ва ундош фонемаларнинг алоҳида қўлланиши бир-биридан фарқ қилиши, ўхшаш жиҳатлари билан бирга, уларнинг фарқланувчи томонларининг мавжудлиги мисоллар ёрдамида исботланган. Унли ва ундош товушларнинг аллофонга эга бўлиши унинг сўз бошида, ўртасида ёки охирида келиши билан бевосита боғлиқлиги, икки унли бирикмалар — диафонлар сони аниқланган. Ўзбек тилидаги унли ва ундош товушларнинг алоҳида ҳолатларда қўлланиши сўзларнинг морфологик структураси билан бевосита боғлиқлиги кўрсатилган. Монографияда ўзбек тилидаги сўзларнинг ўртасида, охирида учрайдиган ундош товушлар бирикмалари ҳам батафсил таҳлил этилган. Ўзбек тилида бошқа(араб, форс, рус ва ҳоказо) тиллардан ўзлашган сўзлардаги ундов товушлар бирикмасининг нисбати ҳам берилган.

Қиёсий-типологик тилшуносликнинг энг муҳим категорияларидан бири универсалия ҳодисасининг ўзбек тили фонологиясида тутган ўрни кўрсатилган. Унга кўра, тил универсалияси бўйича ўзбек тили аксарият жаҳон тиллари каби консонант тиллар қаторига киради. Юқорида тилга олинган универсалиялар билан бир қаторда ўзбек тили фонологиясининг бошқа тилларга ўхшаш ва улардан фарқ қилувчи хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилган. Ўзбек тилининг фонологик системасида ундош ва унли фонемаларни алоҳида қараш мақсадга мувофиқлиги далилланган. Бу унлиларнинг синтагматик ўзгарувчанлик хусусиятлари уларнинг ундошлар таъсирида бўлиши билан изоҳланади. Ўзбек адабий тилида ундошлар унлиларга қараганда кўпроқ информацион ва фарқланиш белгиларига эга, деган муҳим хулоса чиқарилган.

Монографиянинг иккинчи қисми морфонологиянинг мавзу ва вазифаларига бағишланган. Унда ўзак морфемаларнинг фонологик структураси, морфология ва этимология, аффиксал морфемаларнинг фонологик структураси (морфема ва алломорфлар), морфологик алтернациялар(морфонема), баъзи сўз туркумларидаги(от, феъл ва сифат) морфонологик алтернациялар, просодик ҳамда синтактик морфонология масалалари бўйича муаллиф муносабати билдирилган ва муаммолар ечими ҳақида турли олимларнинг қарашлари келтирилган.

Ўз бирлигига эга бўлмаган тилшуносликнинг туташ соҳаси морфонологияда формал бирлик "морфонема" термини қўлланилган. Бундан ташқари, китобда "морфонотактика" янги термини қўлланилган.

Морфонология турли морфологик структурага эга бўлган тилларда турлича хусусиятлар билан фарқланиши, агглютинатив тил ҳисобланган ўзбек тилида морфонологик алмашув ўзак ва аффиксал морфемалар чегарасида ҳосил бўлиши ва шу каби ҳодисалар муаллиф диққат марказида.

Асарда акцентология ва интонологик морфонология ҳақида янги фикрлар баён этилган. Китобнинг морфонология қисмида ўзбек тиилга тегишли бўлган муаллиф томонидан айтилган фикрлар янги бўлиб, ўзбек тилшунослигида катта аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, туркология соҳасини ривожлантиришга қўшилган улкан ҳисса ҳисобланади.

**Носир ҚАМБАРОВ,**
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти**

# ҚАЛБ ЁРУҒЛИГИ

Шу яқин кунларда Шукур Қурбоннинг “Озорингни соғиндим” (“Шарқ”, 2011) деб номланган 100 қўшиқдан иборат тўплами ва “Қалбдаги шамлар” (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010) номли тўртликлар китобининг учинчи нашрини ўқиб чиқиб, ўзим каби катта ёшли кишиларда бўлиб турадиган бир ҳолни бошимдан кечирдим. Яқинда биз ёш шоирлар, деб юрган ижодкорлар қачон улғайди, қачон етилди, деган фикрлар ўтди хаёлимдан. Ҳа, яқингинада “Оққушлар кўли” (1978), “Соғинч дарвозаси” (1980) китоблари чиққандан кейин, мен унинг “Нафас” шеърий тўпламига (Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982) муҳаррирлик қилгандим. Озод Шарафиддинов тақриз ёзганди тўпламга. Эсимда, “Соғинч дарвозаси”га ёзилган таъриф ва тилаклар ҳам Озод акага тегишли эди. “Шукурнинг шеърларида дардли қалбнинг оҳанглари, изловчи фикр садолари мавжуд. У поэзияни теран тушунади ва бу илоҳа қаршисида ҳамиша ҳалол ва самимий бўлишга интилади”, деб ёзганди у.

Мен муҳаррирлик қилган “Нафас” тўпламидаги шеърлар Шукурнинг тенгдошлари орасида ажралиб турадиган овози, тарихий “Темур Малик” достонида Ватан озодлиги ва эрки учун курашган қаҳрамонларимизни улуғлаши билан кўнглимга ўтиришган эди. Шу боис, уларни ўқувчиларга асл ҳолида етказишга урингандим. Юқорида номлари тилга олинган тўпламларда ҳам шоир лирик қаҳрамонининг ўзлигини излаш ҳоллари яққол кўзга ташланарди. Ёнимизда юрган Шукурнинг ўзи эса шеърият аталмиш синов майдонида тинимсиз изланар, бирда Навоийдан сабоқ олиб, бирда Машрабнинг қисматига куюниб: “Не учун Ҳатто ёлғиз шоирин, Кўзига кўз шоирин, Сўзига сўз шоирин Дордан асрай олмади Бутун бошли она-халқ”, дея изтиробга чўмган, гоҳ Фурқатнинг “Замон бўлди Ўрусия замони” жумласининг мағзини чақаётган, Ғафур Ғуломнинг “Вақт”и билан фурсатини қадрлаётган, “Ниначи ва Чумоли”ни ўқиб, Ниначига ачиниб, у ҳам яшаш учун курашаётган бир гўзал жонзот эканлигини айтиб унга ҳам раҳм-шафқат кераклигини ўйлаётган бир ижодкор эди.

**Эътироф**

Реалистик шеър яратиш учун зеҳнини сафарбар этаркан, шоир ҳар шеъри якунига кутилмаган бир хулоса топмагунча изланганини сезилиб турарди. “Борай, деб ёзибсан, юрак ютиб, оҳ” мисрали шеърини “Келавер, жонингдан жоним айлансин”, деб халқона оҳангда тугатгани кимга ёқмайди, дейсиз... Шоирнинг поэтик топилмалари ҳам ўқувчини мамнун этарди. “Теграмда сокинлик шовуллар”, “Айрилиқни қоғозга битсанг, қоғознинг ҳам сарғаяр юзи” каби сатрлари зеҳнга ўрнашиб қоларди. “Метаморфоза” шеъридаги “Қоронғи жойдан кўрингай неки бор ёруғликда, Ёруғ жойдан кўрмоқ қийин не бор қоронғиликда” байтини ўқиркан, “ёруғ жой”, “қоронғи жой” таъбирлари орқали нималар назарда тутилгани англашиларди...



Яна бизда, яъни Шукур Қурбондан 15-20 ёш катта авлод орасида бир фикр устувор эдики, унга кўра, шоирнинг шеърларидан у қайси юртнинг шоири эканлиги билинсин, дердик ва Шукур бизнинг шу талабимизга жавоб берарди. Унинг ҳар бир шеъридан Ўзбекистоннинг сувратли ва сийрати чиқиб келарди. Чунончи, пахтани таърифларкан, уни “юмшоқ” дема, билмай тошдай қаттиқлигини, “Енгил” дема билмай қўрғошиндай оғирлигини, маҳлиё бўлма оқлигига, “Ташқи кўринишлар булар барчаси, Англашга урин ички кўринишларин...” ёки “Ўзбек хонадонида Дунёга келса гўдак, Пахтазор севинар ҳаммадан ортиқ”, дер эдики, бу миллий шоирнинг рост гапи эканига барча бирдай амин бўларди.

Яна биз: шоирнинг шеъридан у қайси даврнинг шоири эканлиги билиниб турсин, дер эдик. Шукурнинг шеърлари бу талабга ҳам жавоб берарди. Чунончи, она тилига оид бир шеърида “Она тилим, жон тилим, Сенсиз мен сўладирман, Туққанимга етти ёт, Бегона бўладирман”, деб ёзаркан, тил масаласи XX асрнинг энг долзарб муаммоси, айниқса, қизил империя ичида халқларни руслаштириш сиёсати авж олган бир паллаларда фақат Ўзбекистонда эмас, Латвия, Эстония, Грузия, Озарбайжон, Украина, Қозоғистон каби мамлакатларда ҳам оғир муаммога айлангандики, Шукурнинг мисралари ўша пайтда умуминсоний бир гап бўлиб янграганди.

Шоирнинг уч марта нашр этилган “Қалбдаги шамлар” китобига 157 та тўртлиги киритилган ва уларнинг ҳаммаси икки алифбо – кирил ва лотин алифбосида берилган.

Кейинги йилларда миллий шеъриятимизда тўртлик жанрига мурожаат кенгайиб бормоқда. Ҳозир юзга яқин муаллиф тўртликларини эълон қилди. Шундай бир шароитда тўртлик билан майдонда тура олиш, эътибор қозониш осон эмас. “Сени хаёлларга толдирсам дейман, Кўнглингни кўнглимга олдирсам дейман, Оёқ кийимингни яшириб қўйиб, Ҳузуримда кўпроқ қолдирсам дейман” тўртлигини ўқиркан, бир томондан, миллий одатимиз, иккинчи томондан, сокин ва холис бир муҳаббатнинг бир онлик манзарасини кўриб-кузатиб, қалбимизда қаноат туйғуси мавжланади.

Тўртликлардаги шоирнинг бой маънавий олами ўқувчининг маънавий оламига таъсир ўтказади: “Умр, бу – дунёда бир зумлик сайр, Ҳамд-сано Оллоҳ-ла сирлашганларга. Жаҳолат кўйида қолганлар - хайр, Салом – тўғри йўлга эргашганларга ”. Шоир навбатдаги тўртликда кишини фаолликка ундайди: “Қийналиш керакдир, дўстим, қийналиш, Қийналсанг, рўёбга чиқар яхши иш. Қани, жаҳд эт тўққиз ою тўққиз кун, Бир нима туғасан сен ҳам, боякиш”.

Шоирнинг тўртликларида ҳам бошқа шеърларидаги каби ёқимли тимсоллари кўп: “Юрак – қанотин кўксимга ураётган қуш”, “Бир-бировни ёмон кўришимизни Бу гулу гиёҳлар қаёқдан билсин?!” каби.

Шукур Қурбоннинг юз қўшиқни ўз ичига олган “Озорингни соғиндим” тўпламида ҳам, муҳаррирнинг таъбири билан айтганда, қалбнинг ўзига хос ҳақиқатлари таъсирли тарзда қаламга олинган. Ватан, она тил, муҳаббат сингари мавзулар лирик кечинмалар орқали ўзининг самимий ифодасини топган.

Ҳозирги пайтда “қўшиқчи шоир” атамаси кўпчиликка ёқмай қолган, чунки қўштирноқ ичидаги “қўшиқчи шоирлар” ўз машқлари билан шеърнинг обрўйини кетказишди.

Шукур Қурбонда қўшиқ бўлиб шеърлик хусусиятини йўқотган намуналар учрамайди. У “Ҳаёт — гулзор, дея кездим, тиконлари чиқди йўлдан, На-да тиконлари, турфа илонлари чиқди йўлдан”, дер экан, аввало, сатрлар шеърий талабларга жавоб беришини кўрамиз. “Сув остида кўринади тош, Тош кўринар юрагимда ҳам, Сувдаги тош кўтармайди бош, Бош кўтарар кўксимдаги ғам” ёки “Чорла ғофил гулларни, Боғларни чорла, Наврўз. Юраклар пештоқида Туғ бўлиб порла, Наврўз” каби бандларни тўпламнинг ҳар саҳифасида учратасизки, улар аввало, яхши шеър сифатида манзур, қўшиққа айланганда эса қалбингизни эритади. Унинг шеърларини йигирмадан ортиқ таниқли хонанда ижро этаётгани бежиз эмас.

Хуллас, Шукур Қурбон шеърларини ва достонларини ўқиганда, улар севги ва айрилиқ ҳақида бўлса ҳам, ватан ва табиат, оила ва дўстлар, ташвиш ва қувончлари ҳақида бўлса ҳам, ҳамма вақт сатрлар орқасида турган шоирнинг қалб ёруғлиги ҳис қилинади.

Дарвоқе!..

1982 йили “Нафас” тўпламига муҳаррирлик қилганимда муаллифнинг исми шарифини Шукур Қурбонов эмас, “Шукур Қурбон”, деб ўзгартиргандим. Ўшанда Шукур: “Ким мени «Қурбон» бўлишимни истаётган!”, дея нашриётга ҳай-ҳайлаб кириб келди. Мен: “Фамилиянгизни она тилимизга мосладим: “-ов” деган қўшимча рус тилига оид, ўзбекчада “-ники” маъносини билдиради”, дедим.

“Йўқ, Қурбонов бўлиб чиқсин”, деди у ва “Қурбонов” бўлиб чиқди.

Мустақиллик йилларида унинг ўзи китобларига “Шукур Қурбон” номини танлади.

**Миразиз АЪЗАМ**

# СЎЗ МАНЗАРАСИГА САЁҲАТ

**Турсун АЛИ. “Гуллаётган юрак”, шеърлар, таржималар. «Ўзбекистон» НМИУ**

Шеър сўз санъати бўлгани боис ўқувчидан мўйқалам устасидан-да кучли, баъзан жуда теран тасаввурни талаб этади. Рассом тасвир орқали ички кечинмаларини етказиб берса, бу жараён сўз мусаввири хатида ўзгача шакл олади. Тўғри, бугунги кунга келиб “шоир”, “сўз” тушунчалари ўзгаргани йўқ. Аммо аср теграсида уларнинг маънолари бирмунча кенгайди. Сўз ифодаси суратга айланди:

**Баҳор.**
**Қўнғирранг осмонда булут карвони.**
**Қидира бошладим ногаҳон**
**Соғинтирган турналар сасин.**

Бу суратга кириш йўли, яъни мутолаа асносида манзара табиий равишда “маънога” кириб боради. Мисралар оша манзара яна давом этади:

**Дарахтлари қийғос гуллаган боғда,**
**Майсаларга ёнбошлаб,**
**Бир зум сенга кетдим, Ёшлигим.**

Манзарани томоша қилган сайин таъсир кучаяди. Зеро, мисраларда манзара тўла акс этган. Уни хоҳлаган вақтда томоша қилиш ва яна йўлда давом этиш мумкин. Бироқ энди мўйқаламга олинган ўша “йўлда”лигинг ёдингга тушади. Турфа туйғулар талқинига ўхшаш тасвирлар беихтиёр хотирага кўчади.

Аслида шеър мутолааси бирбирини соғинган муштарак юракларнинг суҳбатга чоғланишига ўхшайди.

Шоир Турсун Алининг деярли барча шеърларида “йўл” сўзи учрайди. Бу сўз баъзан очиқ айтилса, баъзан мажоз шаклида ифодаланади. Манзара бўйлаб “кетаётган” йўловчи уни топиб олади: “Шамоллар йўлидан кетаман гоҳи”, “Энди, қаён қочиб кетолгайман мен кўзим диёрига чўккан ранглардан”. Бу сатрларда ҳам ҳали айтганимиздек “йўл” бор. Йўлнинг бири сатрлар билан бошланиб, бошқаси ташбеҳлар орқали давом этади.

Яна бир шеърида ўқиймиз:

**Кўзларинг ёғдуларида**
**Мен ўзимнинг энг дилгир, толғин**
**Сувратимни кўриб қувондим.**

Бу манзарада улкан кўз қаршисидаги кичик “мен”нинг ифодаси акс этган. “Мен” кўзнинг қабариқ сиртида жилоланаётгандек, бироқ унга кўринишни истагани сайин кичрайиб, нурларга тутқун бўлиб қолаётгандек. Бу ҳолат мумтоз шеъриятдаги муболаға санъатини эслатади.

Шоир талқинида манзаралар гоҳ, юқорида айтганимиздек, “йўл” шаклида келса, гоҳ ўзига хос “очкич-призма” орқали намоён бўлади. Баъзан эса товушнинг ранги “кўзим сарҳадида сачрар қатра ҳайқириқ” тарзида қаламга олинади.

Шоир қаламга олган кечинма ва туйғулар бўлиб ўтган воқеанинг тасвири билан чекла-



ниб қолмайди, изчил давом этади. Шеър сарҳадларидаги объектлар ўзгача тусда гавдаланади.

Келинг, қуйидаги ҳолатни лирик қаҳрамон нигоҳи билан кузатайлик:

**Рўпарамга келдинг,**
**Эй олислаб кетган севгилим.**
**Бироқ сени кўрмаяпман мен.**

Турсун Али шеърда мажоз билан тасвирни кам сўз ишлатиб ифодалайди. Бу манзараларга кириб боришда чалғимаслик лозим. Яъни лаҳзанинг ўзида — айни дамда юз бераётган ҳодиса-ўзгариш ичида туриб таъсирланиш, таассурот ола билиш лозим.

**Ҳали уйғонмасдан янгроқ товушим,**
**Ичимда уйғонар хўрсиниқ.**
**Уйғонар ичимда момақалдироқ.**

Бир қарашда оддий кўринган ифода орқали лаҳза муҳрланяпти. Бу каби ҳолатни қоғозга тушириш осондек туюлади. Бироқ «момақалдироқнинг уйғониши»га сабаб бўлган бир дунё ташвишлар борки, улар кишини сергакликка, фаолликка даъват этади. Лирик қаҳрамон ботинидаги ҳолат-вазиятга хос бедорлик китобхон қалбига кўчади, уни сергаклантиради.

Турсун Али шеърларидаги бир қарашда "жўн" бўлиб кўринган талқинлар аслида ўзгарувчандир, яъни физик нуқтаи назардан айтганда, манфий ва мусбат қутбла-

**Китобингизни ўқидим**

рига эга. Улар бир хилликдан зерикиб, ўз ўлчамлари сари парвозга қанотларини шайлаб турибди. Бу вақтни тўхтатиб қўядиган ускунани кашф этиш йўлидаги тажрибаларга ўхшайди. Мисол учун, “Вақт деворига суяниб” хоҳлаган манзилга бориш мумкин. Лирик қаҳрамон вақтнинг ўтиб кетаётганидан эмас, балки аксинча, уни тўхтатиб қўйиб, хотиралар моҳиятини ўзгартиришга ҳаракат қилади. Ўша "деворга суяниш" гўзаллик ва бахтнинг эпкини эканлигини англаб етамиз. Бу каби “тўхтатиб қўйилган лаҳза” манзаралари унинг кўплаб шеърларида учрайди.

«Гуллаётган юрак» китобида оддий кечинмаларни эслатадиган, якунига етмаган, фақат сифатлашлар билан чегараланиб қолган мисралар ҳам учрайди. Бу ҳол китоб мундарижасининг пишиқ-пухталигига бироз соя солган. Бинобарин, тўпламдаги сўнгсўз муаллифи профессор Ҳамидулла Болтабоев ёзганидек, “Айни ҳолатда ушбу ёзувларни чуқурроқ ишлаб, мукаммаллаштириб ё мансуралар даражасига олиб чиқиш ёки аввалги шеърлардаги каби туйғуларни ўз ҳолича, табиий суратини бериш лозим кўринади».

Шеър мутолааси саёҳатга чиққан одам ҳолатини эслатади. Йўлда учраган ҳар бир ҳодиса маъно спектри орқали йўловчи шуурига муҳрланиб, нигоҳларида акс этади. Шеърлар муаллиф билан китобхонни учраштирадиган кўприклар. Бу кўприклар қанчалик мустаҳкам бўлса, сўз манзарасига саёҳат шунчалик таассуротларга бой бўлади.

«Гуллаётган юрак» бугунги шеърият ихлосмандларининг жавонидаги севимли китоблардан бирига айланишига тилакдошмиз.

**Даврон РАЖАБ**

# ЎЗБЕК ТЕАТРИНИНГ ТЎНҒИЧ АСАРИ

## Маҳмудхўжа Беҳбудий “Падаркуш” драмасининг яратилганига 100 йил тўлди

Ўзбек адабиётида узоқ даврлар мобайнида шеърият етакчилик қилди. Ҳатто халқ театри асарлари яратилиб, томошабинларда саҳна санъатига қизиқиш пайдо бўлганидан кейин ҳам миллий театрнинг майдонга келиши XX асрнинг 10-йилларига қадар чўзилди. Ҳолбуки, Европа мамлакатларида театр санъати аллақачон вужудга келган, халқнинг маданий-маърифий даражасини белгиловчи омил бўлган бир пайтда Туркистонда мазкур санъатнинг ҳали туғилмаганлиги ғоят ачинарли ҳол эди. Шунинг учун ҳам Туркистон жадид маърифатпарварларининг отаси Маҳмудхўжа Беҳбудий жиддий ижодий фаолиятини миллий театр асарини яратишдан бошлади.

Ўз даврининг энг илғор кишиларидан бири бўлган М.Беҳбудий хорижий сафарлари вақтида ҳам, Россиянинг Москва, Петербург, Оренбург, Нижний-Новгород сингари шаҳарларида бўлганида ҳам, “Таржумон”, “Туркистон вилоятининг газети” сингари нашрлар орқали ҳам театр санъатидан хабардор бўлган, десак янглишмаймиз. Қолаверса, 1867 йили Самарқандда мусиқали драма тўгараги, 1890 йили ҳаваскорлар жамяти тузилган ва улар рус драматурглари асарларини саҳналаштириб, намойиш этишган. Энг муҳими, 1911 йили, бир томондан, озарбойжон театри, иккинчи томондан, татар театрларининг Туркистонга келиб, ўз спектаклларини кўрсатишлари Туркистоннинг маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлган. Беҳбудийнинг шу йили “Падаркуш” драмасини ёзиб туғаллашига ҳам, бизнингча, ана шу воқеа туртки берган.

Жадидчилик ҳаракати ва адабиётини бошлаб берган кишининг театрга, санъатнинг халқ оммасига ўша вақтда энг катта таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турига эътибор қаратмаслиги маҳол эди. Ўзининг тарих олдидаги миссиясини чуқур ҳис қилган адиб 1911 йили биринчи ўзбек драмаси — “Падаркуш”ни ёзиб, Туркистонда янги адабиёт ва санъат турига тамал тошини қўйди.

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, 1911 йили, Беҳбудий асаридан бир оз аввал, қўқонлик муаллим Абдурауф Самадовнинг “Маҳрамлар” пиесаси рисола шаклида нашр этилган. Бу тарихий факт, айрим ижодкорлар назарида, Беҳбудийни ўзбек драматургиясиинг отаси, “Падаркуш”ни эса биринчи ўзбек драмаси дейишимизга монелик қилади. Лекин “Маҳрамлар”нинг дастлаб “Ўликлар” номи билан татар тилида ёзилгани, муаллифнинг ўзи ҳам татар миллатига мансуб бўлгани, айниқса, мазкур асарнинг “Падаркуш”дан кейин намойиш этилганини назарда тутсак, Беҳбудийнинг ўзбек театр санъатига, хусусан, ўзбек драматургиясига асос солган ижодкор эканлиги кундек равшан бўлади. Қолаверса, “Маҳрамлар”нинг саҳналаштирилиши Туркистон халқлари маданий ҳаётида “Падаркуш” намойишидек улкан тарихий воқеа бўлмаган.

Шу нарса эътиборга сазоворки, Беҳбудий ўз асарида маърифатсизликнинг миллат ва миллатнинг ҳар бир аъзоси ҳаётига кўрсатажак фожиали оқибатларини яққол тасвирлаб берган. Асарнинг “Падаркуш ёхуд Ўқимаган боланинг ҳоли” деб номланиши ҳам тасодифий эмас. “Падаркуш” муносабати билан ёзилган мақолаларнинг бирида асарнинг ҳаётда рўй берган реал ҳодиса таъсирида ёзилгани алоҳида қайд этилган. Бу фикрнинг ҳақиқатта қанчалик мос ёки қанчалик зид эканлигидан қатъи назар, XX аср бошларида ўз фарзанди тарбиясига эътибор бермаган оталар ҳам, ёшлик йиллари такасалтанг, ишёқмас, маишатпараст бойваччалар даврасида ўтган болалар ҳам оз бўлмаган. Беҳбудий “Падаркуш»да фақат шундай оталар эмас, балки шундай фарзандларнинг ҳаёти ҳам фожиа билан тугаши мумкинлигини кўрсатиб, уларнинг ҳар иккаласини, ва умуман, XX аср бошларидаги ўзбек жамиятини огоҳлантиришга интилган. Шу огоҳлантирувчи пафос, жадидчиликнинг туб моҳиятини очувчи маърифатпарварлик ғояси асарнинг катта ижтимоий ва маърифий аҳамиятини белгилаб беради.

Муаллиф асар сарлавҳасидан кейин қавс ичида унинг жанри ва мавзусини “Туркистон маишатидан олинган ибратнома” деб белгилаган; асарни китобхонга “3 парда, 4 манзарали миллий биринчи фожиа” сифатида тақдим этган.

Асар Домулланинг Бой меҳмонхонасига кириб келиши билан бошланади. Шу пайт Тошмурод меҳмонхонага кириб, ким билландир томоша кўргани кетаётганини айтади ва отасидан пул сўрайди. Тошпўлат муддаосига эришиб чиқиб кетгач, Бой билан Домулла ўртасида қуйидаги суҳбат бўлиб ўтади:

“Б о й. Сўзлашиб ўлтуринг, тақсир.

Д о м у л л а. Хўб, хўб, бойвачча катта бўлубдур. Худо умр берсин, усули жадид мактабигами ўқийдур ёинки эски мактабга?

Б о й. Иккисига ҳам бормайдур.

Д о м у л л а. Ўз ҳовлингизда ўқитатурғонсиз?

Б о й. Йўқ, йўқ. Мен ўғлумни ўқутмоққа ўйлаганим йўқ.

Д о м у л л а. Ажойиб, сабаб недурки, ўқутмайсиз? Ваҳолонки, ўқумоқ қарз ва илм сабаби иззати дунё ва шарофати охиратдур.

Б о й. Манинг хаёлимға дунёнинг сабаби, иззати – бойлик. Охиратға бўлса, худонинг қилган тақдири бўлур. Чунончи, биз кўрамизки, одамлар бойни муллодан зиёда иззат қиладурлар. Хусусан, мана банклар кўпайди. Катта бойлар чилен бўлуб, ҳар ким чиленларни иззат қилур, ҳатто иши тушатурғонлар чилен молини киммат олур, аз баски, чилен илтифотига олмаган одамларга банклар пул бермайдурки, сўнгра муомиладорлар синиб, майда-майда бўлур, билдингизми?..”.

Халқнинг, айниқса, ёшларнинг маърифатли бўлишини орзу қилган Беҳбудий асарни давом эттириб, Домуллага “сўз беради”:

“Д о м у л л а. Бу сўзларингиз ҳозирги замонага маъқул, лекин чилен ва бойларни иззатлари вақтинча ва халқни кўзи очилгунчадир. Ҳолбуки, аларни иши тушганлар иззат қилур, муллони бўлса, барча халқ иззат қилур, яъни муллони илми иззат қилинадур.

Б о й. Бизни ҳам бойлигимиз иззат қилинадур, ҳатто мусулмонлар нари турсун, ўрус ва арманлар-да иззат қилур.

Д о м у л л а. Иззатни нари қўйдук, агарда ўғлингизни ўқутсангиз, дафтарингизни ёзар, намозингизни ва мусулмончилигини яхши билур ва ҳам сизға савоб бўлур.

Б о й. Мирзалик осон, мана, Хайруллога ойинда етти сўм бераман, кундузлари мирзалик ва оқшомлари меҳмонхона ишини қилар ва ҳатто, уйқум келгунча ходими қилар, китоб ҳам ўқуб берар.

Д о м у л л а. Сиз илгари замонда бир нави ила бой бўлубсиз, аммо энди бой бўлмоқ нари турсун, фақат рўзғор ўтказмоқ учун (ҳам) керак, Кўрамизки, йигирма-ўттиз йилдан бери барча савдо ишлари армани, яҳудий ва бошқа ажнабийлар қўлига ўтди, муни сабаби бизларнинг ўқимағонимиздур. Ўқумағон бойваччаларни кўрамизки, ота молини барбод этар ва охири хор ва зор бўлур, бинобарин, ўғлингизни ўқутмоқни сизга таклиф қиламан.

Б о й. Ай, домулло! Сиз манга таҳқиқчими? Ўғул маники, давлат маники, сизга нима? Ўқуганни бири сиз: емоқға нонингиз йўқ, бу ҳолингиз билан манга насиҳат қилурсиз. Хайрулло! Меҳмонхонани қулфла, уйқум келди.

*(Х а й р у л л а лаъли ва асбобларни жамлаб, мунтазин турар.)*”

Драма экспозициясида бўлиб ўтган Бой билан Домулланинг бу суҳбати ҳар иккала персонаж моҳиятини очибгина, уларнинг ўтган аср бошларидаги халқ оммасининг қайси қатламига мансублигини кўрсатибгина қолмай, воқеаларнинг кейинги ривожи ва ҳатто хотимасини ҳам, пружина сингари, ўзида сиқиб — ушлаб туради. Бу саҳнадаги Домулла образида Беҳбудий ўзининг ижтимоий, иқтисодий ва маърифий қарашларини ифодалашга уринган. У ўзининг маърифатпарварлик ғояларини шу образ орқали томошабинга етказмоқчи бўлган.

Бундан қарийб 100 йил аввал ёзилган бу асардаги Домулланинг халқни маърифатга даъват этиши, унинг тақдиридан қайғуриши билан боғлиқ мотив ҳамма замонлар учун ҳам аҳамиятлидир. Негаки, шиддат билан ривожланиб бораётган жамиятда яшаб, йилдан-йилга ривожланиб ва тармоқланиб бораётган билимларни мукаммал эгалламасдан туриб, буюк келажакни барпо этиш мумкин эмас. Шу маънода жадидларнинг, жумладан, Беҳбудийнинг маърифатпарварлик ғоялари бугун мамлакатимизда олиб борилаётган маърифий ва маданий жараён билан уйғун бўлиб яшамоқда.

“Падаркуш” драмасиинг асосий қаҳрамонларидан бири Тошмурод охир-оқибат маишатпараст шериклари билан келиб, отаси яширган пулни ўғирламоқчи бўлади. Шу пайт унинг шериклари қўлга тушмаслик учун воқеадан огоҳ бўлиб қолган отасига дафъатан пичоқ санчадилар. Ҳам отасидан, ҳам отасининг давлатидан айрилган Тошмурод қамоққа олинади. Беҳбудийнинг фикрига кўра, ўқимаган болани ўтган аср бошларида тахминан шундай бахтсиз келажак кутган.

“Падаркуш”нинг матбуот ва саҳна юзини кўриши оғир кечди. Ўша йиллари ташкил этилган ҳар бир газета чор ҳукуматининг махсус рухсати берилгандан сўнгтина дунё юзини кўрганидек, бу асарнинг ҳам рисола шаклида чоп этилиши ва саҳналаштирилиши учун чор маъмурларидан рухсатнома олиш зарур эди. Ўзбек театри тарихига оид манбаларда айтилишича, драма гарчанд 1911 йили ёзилган бўлса-да, драматург асар устида кимларнингдир фикр-мулоҳазалари асосида ишлаб, уни 1912 йилнинг август ойида

**Бир асар тарихи**

нашрга тайёрлаган. Асарнинг нашр этилиши осон кўчиши учун муаллиф уни “Бородино жанги ва Русиянинг французлар босқинидан халос бўлишининг юбилейи”га бағишлаган.

Адабиётшунос Бойбўта Дўстқораев топган маълумотга қараганда, 1912 йил 26 август куни Самарқанддаги Тиллакори мадрасасида бўлиб ўтган “Ватан муҳорабаси байрами”да Беҳбудий “Падаркуш ёхуд Ўқимаган боланинг ҳоли” номли “3 пардалик Туркистоннинг ҳозирги маишатидан олинмиш фожеа театру рисоласи”ни “Самарқанд волийси жаноблари”га топшириб, “ватан музаффарияти ёдгори учун онинг нашрига рухсат берилмак”ни илтимос қилган. “Волий жаноблари, — деб ёзилган у топган маълумотда, — кўб хурсандлик илан олуб, нашрга рухсат бермакни ваъда қилибдурлар”.

“Падаркуш” шундай саъй-ҳаракатлар натижасида бўлса керак, Бухорода чиқа бошлаган “Турон” газетасининг 1913 йил 1 ва 3 январь сонларида босила бошлайди. Аммо газетанинг ёпилиши муносабати билан асарнинг сўнгги қисмлари чоп этилмай қолади. Ниҳоят, Самарқанддаги Газаров ва Сиянов матбаасида нашр этилади. Аммо ҳали на Тошкентда, на Самарқандда миллий театр труппасининг шаклланмаганлиги туфайли асарни саҳналаштириш ишлари анча чўзилди. Ниҳоят, 1914 йил 15 январ куни Самарқандда, ўша йилнинг 16 феврал куни эса, Тошкентда — Колизей театрида биринчи ўзбек драмаси саҳна юзини кўриб, халқ ва мамлакат ҳаётида унутилмас воқеа бўлди.

Беҳбудий томошабинларнинг миллий спектаклга бўлган фавқулодда катта қизиқишидан маърифий ишларни ривожлантириш мақсадида фойдаланмоқчи бўлди. Асарнинг 7 май куни бўлиб ўтган иккинчи намойишида, “Ойна” журналининг хабар беришича, билетлар сотилишидан 384 сўм 50 тийин йиғилиб, шундан 184 сўм 50 тийин спектаклга сарфланган харажатта кетган. Қолган 200 сўмдан 110 сўми мактаб ислоҳига, 35 сўми Жомбойдаги Бозорамин Ҳодихўжа таъсис этган ва муаллим мулла Комил идорасидаги мактабга, 15 сўми Бухорий қишлоғидаги мулла Жўрабой мактабига, 15 сўми “городской училишче”да таҳсил олаётган мусулмон болаларга, қолган 35 сўми эса мулла Абдуқодир Шакурий мактабига ажратилган.

Мутахассислар Самарқанддаги биринчи спектаклга ким режиссёрлик қилганлиги ҳақида турли фикрларни баён қилишган. Айрим олимларнинг фикрига қараганда, спектаклни Абдулла Авлоний саҳнага қўйган. Лекин тошкентлик Авлонийнинг 1914 йили Самарқандга бориб, спеклаклга режиссёрлик қилгани бирор на ёзма факт, на хотира билан тасдиқланади. Бизнингча, асар муаллифнинг ўзи томонидан саҳналаштирилгани ҳақидаги фикр ҳақиқатта яқин. Яна шу нарса эътиборга сазоворки, Самарқандда ҳам, Тошкентда ҳам спектаклдаги барча роллар маҳаллий маърифатпарвар кишилар томонидан ижро этилди. Бу, ўзбек жадидларининг ва, умуман, ўзбек жадидчилик ҳаракатининг тантанавор кунлари эди. Кўп ўтмай, “Падаркуш” турли театр труппалари ижросида бутун ўлкани айланиб чиқди.

Бугунги томошабин ва китобхон учун биринчи ўзбек драмаси ибтидоий асар бўлиб туюлиши мумкин. Лекин ҳали замонавий театр санъатидан яхши хабардор бўлмаган томошабинлар учун “Падаркуш”нинг 1914 йилдаги намойишлари афсонавор воқеа эди. Ўзбек маданияти тарихида янги санъат – театр санъати туғилган эди. Беҳбудий ва унинг сафдошлари матбуот орқали бу янги санъатни кенг тарғиб қилишга киришдилар. Беҳбудий театрга бағишланган мақолалар ёзиб, бу санъатнинг аҳамиятини бундай тушунтирди: “Теётр нимадур? Жанобиға теётр ибратнамодур, теётр ваъзхонадур, теётр таъзир адабидир. Теётр ойинадурки, умумий ҳолларни анда мужассам ва намоён суратда кўзликлар кўруб, карқулоқсизлар эшитиб асарланур. Хулоса: теётр ваъз ва танбиҳ этувчи ҳамда зарарлик одат, урф ва таомилни, қабиҳ ва зарарини аён кўрсатгувчидур. Ҳеч кимни риоя қилмасдан тўғри сўйлагувчи ва очиқ ҳақиқатни билдиргувчидир”.

“Падаркуш” таъсирида ўтган асрнинг 10-йиллари ўнлаб саҳна асарлари майдонга келди, драматурглар сафи Насрулла Қудратилла, Абдулла Қодирий, Абдулла Бадрий, Ҳожи Муин, Абдулла Авлоний ҳисобига кенгайди. Кўп ўтмай, улар сафига Ҳамза, Фитрат ва Чўлпон сингари забардаст драматурглар келиб қўшилдилар.

Профессионал ўзбек театрига мустаҳкам пойдевор қўйилди.

**Наим КАРИМОВ**

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

# САХИЙ ТУПРОҒИНГДАН ОЛТИН ЯРАЛГАН



## СЕН ҚАНОТ БЕР

Буюклигинг ҳеч ким зарра этолмас инкор,
Буюкликда олам аро танҳосан, Ватан!
Камаймайди шон-шуҳратинг, қимматинг зинҳор,
Биргина мен сен ҳақингда куйламасам ҳам.

Юз очасан қуёш бўлиб, куртак, гул бўлиб,
Ҳар заррачанг қиёси йўқ сеҳрга эга.
Яшнагайсан кундан-кунга чиройга тўлиб,
Биргина мен тикмасам ҳам умримни сенга.

Поёни йўқ оғушингда биламан ахир,
Битта менинг бор-йўқлигим билинмаса ҳам:
Сен, қанот бер!
Сенсиз шеърим мажруҳ, бекадр,
Умрим забун, Ватан, сендан айри тушган дам.

## УЗИЛМАСИН ОЁҒИНГ ЕРДАН

Майли, кўчада е гар ҳалол ошинг,
Ҳалол ризқ келади пешона тердан.
Агарда осмонга етса ҳам бошинг,
Асло узилмасин оёғинг ердан.

Барчанинг ризқини ерга сочган Ҳақ,
Ундан қувват олиб турган сўлмайди.
Ахир, яшаб бўлмас кўкда муаллақ,
Бўшлиққа илдиз ҳам отиб бўлмайди.

## ВАҚТ ҲАҚИДА

Кўзларингта жойлаб уфқлар кўркин,
Олис йўлда бироз толиққан пайтинг,
Вақт ўтиб бормоқда, дейдилар
Лекин Вақтнинг ўтганини ким кўрган, айтинг?!

Уни қандай тасвир этиб бўлади,
Нимага монанддир қудрат, сурури?!
Вақт, бу — нурдай пок пахта-ку, ахир,
Вақт, бу — чаноққа жо деҳқон умри.

Балким ундан асло қолмас эди из,
Бир дам сукут қилса балким ўтарди...
У — бедор, бунёдкор қалб амри боис,
Бино тимсолида қаддин кўтарди.

Чўлга томир ёйган каналлардир — вақт,
Қўйни об-ҳаётга оқади тўлиб,
У — баравж юксалиб бораётган дарахт,
У — боғдир, ҳосилга турар ғарқ бўлиб.

Вақт орзу машъалин дилга ёққандир,
Бўйсунган ҳаловат билмас зотларга.
Улуғ ишлар бўлиб қадр топгандир,
Айланиб қолгандир кашфиётларга.

Вақт—орзу рўёби! Қолар боқий из,
Ким агар қадрини юксак тутади.
Йўқса, ночор тунда учгандай юлдуз,
Бўм-бўш йўқлик сари ўтиб кетади.

## ҚИШЛОҒИМ

Тошработ,
Туғилган гўшамсан!
Номинг —
Туғёнли қалбимдан ўчмайди зинҳор.
Менга тўтиёдир, дунёдир боринг,
Ишқим этолмасман сўз билан изҳор.

Гарчи сен оламда парча заминсан,
Она-ер саҳнида бир нуқтадек гап,
Ва лекин бағрингта қуёш ҳам, ой ҳам,
Сонсиз юлдузлар ҳам сиғмишдир, ажаб!

Сахий тупроғингдан олтин яралган,
Толеи қуёшли ажиб бўстонсан.
Қуёшдан бир қатим нурдек таралган,
Сен ҳам бир гавҳардек Ўзбекистонсан.

Не тонг, ҳавас қилса арзийди олам,
Фарзандларинг ўктам, номинг ҳам пойдор,
Ахир, минглаб сендек юрт тимсолида
Порлоқ қуёш янглиғ Ўзбекистон бор.

Азизбек АНВАР

# ОФТОБДАЙИН ҚАДИМИЙ, ОФТОБДАЙИН ЁШ ЮРТИМ

## БУ ШУНДАЙ ВАТАНДИР

Абадий қаҳратон, мангу биёбон,
Таҳликали уммон забтидан холи
Бир латиф гўша бор — ҳақ суйган макон,
Тўртта фаслда ҳам беҳад сафоли.

Бағрида чулдираб чопган ирмоқлар,
Атак-чечак бола тилидек ширин.
Тип-тиниқ кўзгудек мусаффо боғлар
Бус-бутун кўрсатар жаннат тасвирин.

Ҳар гулу гиёҳин лабларида бол,
Бу шундай — борлиғи лазиз Ватандир.
Халқим ҳимматига муносиб тимсол
Оғзидаги нонин улашган тандир.

Меҳру мурувватин йўқдир адоғи,
Диёрим дунёни файзиёб этар.
Жаҳонгашта офтоб чарчаган чоғи
Юртим теграсидан тафт олиб кетар.

Такаллуф, тавозе, ҳаё, андиша —
Комил аждодларнинг ўлмас сабоғи.
Тупроққа таъзимда ўтгай ҳамиша
Ўзбекнинг ғарқ пишган буғдой бошоғи.

Бу шундай — борлиғи мукаммал маъво,
Оламга яхшилик улашган эл бу!
Яшнагай коинот тургунича то
Нияти, каломи, амали эзгу!

* * *

Зараутсой қояси тўрт минг йиллик китобинг,
"Авесто"нинг ғояси эзгуликка хитобинг.
Дунё таваллудидан бошланади ҳисобинг,
Коинот айвонида қуёшга тенгдош юртим,
Офтобдайин қадимий, офтобдайин ёш юртим.

Тупроғинг жаннатлардан олингани рост экан,
Анжирларинг лаззати беҳиштларга хос экан,
Чучук тилли жилғалар кавсарга қиёс экан,
Бахти бутун ўзбекка Тангридан тортиқ юртим,
Бир сиқим тупроғи ҳам оламдан ортиқ юртим.

Замин қайноқ кўксидан меҳрини бермиш, қара —
Сутдек тоза булоқлар қўшиғи тинмас сира.
Дунё томи Ҳимолай — Боботоққа набира,
Ўркач-ўркач қирлари тоғдек улуғвор юртим,
Тоғларига тикилган қутлуғ туғи бор юртим.

Парча атласинг олиб, кўкка учар камалак,
Ёмғирларда сирғалиб ерга тушар камалак.
Самодан қайтиб яна бағринг қучар камалак,
Меҳринг оҳанрабодек ўзига чорлар юртим,
Қучоғингда чечаклар юлдуздек порлар юртим.



Бобо, десам, Фарғоний Нил бўйидан сас берар,
Ал Хоразмий Бағдодда "Ал-жабр"дан дарс берар.
Жаҳонгашта Бухорий муҳибларга даст берар,
Жаҳонга илму урфон улашган устоз юртим,
Навоий навосидек мукаммал, мумтоз юртим.

Эй муҳаббат маскани, эй оқибат қўрғони,
Эй валийлар Ватани, улуғ пирлар макони.
Муборак бўлсин мангу мустақиллик даврони,
Жонфидо бир болангман, жоним, жонажон юртим,
Камолимни кўргайсан, мунис онажон юртим!

## НЕГА

Дуч келган биринчи одамдан сўранг,
Қуёшнинг оташи ноаён кимга?
Севгилим, бир марта кўзимга қаранг,
Нега исбот керак менинг ишқимга?

Айтинг коинотнинг адоғи борми?
Чексизлик бўлинар неча қисмга?
Номсиз юлдузларнинг саноғи борми?
Нега исбот керак менинг ишқимга?

Аниқ нарсаларнинг бефойда баҳси,
Кундай равшан бўлса етти иқлимга —
Камалак — кўнглимнинг кўкдаги акси,
Нега исбот керак менинг ишқимга?

Худойим авваллдан шубҳангиз билиб,
Исмингиз бош ҳарфин битмиш илкимга.
Хулоса чиқаринг томоша қилиб,
Нега исбот керак менинг ишқимга?

Ортига қайтмайди отилганда ўқ,
Пушаймон бўлмайман қилган ишимга.
Сизга айтадиган бошқа гапим йўқ,
Нега исбот керак менинг ишқимга?

Ҳикоя

# КЎНГИЛ

Бу — иккиси учун ҳам оғир бўлган мавзуда улар кўп гаплашишган, фикрлашишган... қайғуришган аммо, начора! Бир гал аёл юрагини ғижимлаб ётган бу саволларни айтиб юборишига бир баҳя қолганини ҳозир ҳам ўшандай дардли кечинма билан эслаб қўяркан, тағин кўкси симиллаб кетди.

Одатда ҳеч ким айбдор бўлмаган ана шундай жумбоқлар кишиларни кўпроқ эзади. Кимга айтсин, нима деб айтсин? Бироқ ичидаги гапдан, сўздан фақатгина айтиб қутулар эканда одам болалари!

Жимжит хона. Стол устида безатилган дастурхон, мевалар, ичимлигу ширинликлар...ҳеч бирига қўл тегмаган. Ҳаммаси шу жимлик ва аёлнинг тилсиз фарёдидан карахт ва маъюс. Бугун байрам куни, мавсум байрами. Аммо байрам бу манзилга етиб келмаган гўё. Катта пешгир мис соат юргиси келмаётган вақтни ҳайдаб унинг ғашига тега бошлади.

Аёл бошини секин кўтариб соатга қаради. Тун яримлай деб қолибди. Ойнинг хийра гардиши булутдан гоҳ озод бўлса, гоҳ яна унинг бағрига сингиб кетади. Шу олисдаги самовий жисм ҳам аёлга яна ўзини эслатди.

У деворга суянганча ўрнидан турди ва аллақачон совуб улгурган чойнакдан пиёлага чой қуйдида, оғриқ қолдирувчи дори билан қўшиб ичди. Сўнгра яна жойига—креслога қайтди. Бадани ловуллаб ёнаяпти, иситмаси баланд. Балки ундай эмасдир, аёлга шундай туюлаётгандир. Бўлса бордир. У бошини кафтлари орасига олиб чангаллаганча қаттиқ сиқди. Кўзидан оқаётган шашқатор ёшларни шундагина сезгандек ёноғини силаб қўйди.

Ўзи унга нима бўлаяпти? Бу ҳолга уни ким солди, ким сабабчи бунга? Наҳотки барчасига ўзи айбдор бўлса...

У ҳеч бўлмаса бугун эрининг қайтишига ишонганди. Байрам бўлса-да, ундан совға ё бирор-бир ортиқча нарса кутгани йўқ, фақат ўзи келса, бас... Дастурхон тузади, тансиқ таомлар пиширди. Бу кунни қачонлардан бери кутаётганди, неча кундан бери тараддуд кўради бу кунга. Негадир унинг шу бугун келишига ишонганди. Барчаси бефойда кетди—у келмади. Бу кутиш шу ҳолида бутун ҳайбати билан юзага қалқиб чиқди ва бошида яна бир ёқимсиз, бетийиқ оғриқ турди.

У яна мижжаларини артди. "Ҳали вақт бор, балки келиб қолар", ўйланди аёл умид билан. Сўнгра ўзини овутиш учун хаёл оғушига чўмди. Бу ўйи ўзини овутгандек, бир зумга енгил тортди.

* * *

Улар бир-бирини ёқтириб турмуш қуришди. Турмуш қурганларидан сўнг эса бир-бирига жуда ўрганиб қолишди. Айниқса аёл, ҳамма оилада ҳам шундай бўлса керак: кимнингдир меҳри кимнингдир меҳрига эргашгандай, суянгандай бўлади. Эри кўнгли кенг, босиқ, кулгуси ҳам, изтироби ҳам ўзидай тайинли, ростгўй одам эди. Топиш-тутиши яхшигина эрнинг иши шаҳарда бўлганлиги учун уй олиб шаҳарга кўчиб ҳам келишди. Гўё ҳаммаси рисоладагидек, аммо... Фақат фарзанд бўлавермади. Кўп кутишди... Ўн бир йил бўлибди. Эҳҳе... Шифо излаб бормаган дўхтирлари қолмади. Қишлоққа ҳам йилда бир борадиган бўлиб қолишди. Нима қилсин, элчилик, биров бўлмаса бировнинг оғзидан лоп этиб бир гап чиқиб кетади. Аёл ичэтини ерди: айб ўзида эди. Иккаловининг ҳам орзу умидлари ҳар гал пучга айланяпти. Эри унга ҳеч нимани сездирмаса-да, аёл ҳаммасини билиб юради. Унга бир нима деб таъна қилаётгани йўқ. Аёл шунинг учун ҳам куйиб кетарди. Ахир, улар тенгиларнинг фарзандларининг олди бўй кўрсатиб қолди. Кўча-кўйда бирга юришганида болаларини етаклаб юрганларни кўрса, эрининг улар ортидан бир зумга бўлса-да, тикилиб қолганига кўп марталаб гувоҳ бўлди. Шундай пайтлари аёлнинг бўғзини нимадир куйдириб ўтгандай бўларди.

Ноумид шайтон экан... Бир куни газета ўқиб ўтириб, бир эълонга кўзи тушган аёл жонланиб қолди. Эълонда ёзилишича, бепуштликни табиий дорилар билан даволаш мумкин экан. Сўнгги умид унга ҳаёт бахшида этди гўё. Эрининг ишдан келишини интиқ кутган аёл, дарров мақсадга ўтишга ҳаракат қилди:

– Бугун газетада яна....

У гапини бошлашга бошлади-ю, аммо нима деб давом эттиришни билмай қолди. Бир неча дақиқалик жимликдан сўнг эр гап нимадалигини сезди чоғи:

– Қўйсанг-чи энди бу гапларни! Худо бераман демаса, бандасининг қўлидан ҳеч иш келмас экан, кўряпмиз-ку, – дея гапга нуқта қўймоқчи бўлди.

– Нега қўяман?.. Нима учун?.. Сизга барибир бўлиши мумкин, лекин мен адойи тамом бўлаяпман,— аёл оловланиб кетди бирдан. — Тенгқурларимни кўрсам ичимни ит тимдалайди... Бугун бозорга чиққандим, қишлоқда бирга ўқиган синфдошимнинг синглисини кўриб қолдим. Шу ерда ўқиркан. Опасининг ўғли мактабни битирибди. Кичикларининг ҳам бўйлари чўзилиб қолибди, ўзим сўраб билдим. Зийраккина қиз экан, акам яхши юрибдими, деб кўзини ерга олди. Шугина қизлар ҳам...

Изтиробдан юзи тундлашиб безовталанган эр аёлининг қўлини маҳкам ушлади ва иккиланиб қолди:

– Барибир фойдаси бўлмасачи? Бу сафар ҳам яна ўша гап бўлса сен ҳам, мен ҳам кўтаролмаймиз...

– Майли, мен чидайман. Насиб бўлса, ҳаммаси яхши бўлиб кетар. Сиз рози бўлсангиз, бас....

Сўнги умид. Шу илинжда улар бу гал хусусий врач ҳузурига йўл олишди. Аёл қаттиқ ишонарди: бу сафар ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади... Аёлнинг чеҳраси очилганидан эри ҳам хушнуд эди. Дўхтирнинг тавсияси бўйича барча муолажалару дори-дармонлар олинди.

– Ҳар уч ой ичида даволанишлар такрорланади, кейин албатта ўз натижасини беради, – дея ишонч билан гапирди дўхтир. У профессор экан.

Саккиз ой ўтди, икки марта муолажага боришди. Афсуски, ҳеч бир ўзгариш сезилмади.

Уларнинг умиди яна барбод бўлди. Аёл бир неча кун эрининг юзига тик қарай олмай қолди. Эр ҳам.

Эрининг индамаслиги, дардини ичига ютиб юравериши эса баттар бағрини эзарди. Қани энди, эр-хотин ўтириб ҳасратлашишса, аёл тўйгунча йиғлаб олса. Нима қипти шундай бўлса? Ахир, иккисининг ҳам юраги зардобга тўлган-ку, иложсиз-ку иккисиям. Кейин ҳеч нима кўрмагандай бир-бирига қараб кулиб ўтиришса. Ана, дунёнинг ярим одами бефарзанд ўтиб кетяпти. Бундай куюнмайдиям. Лекин бу гаплар жуда бегонада бу ўзбек деганига...

Эри аёлига қанчалик вафодор, қанчалар меҳрибон-а? Бирон марта "болам йўқ" деб нолимади. Аёлни кесатиб ёки ҳақорат қилиб, хўрлагани йўқ. Фарзандсиз ҳам шунча йилдан бери тотув яшашяпти. Агар унинг ўрнида бошқа бир номард бўлганида...

Аёл шуларни ўйлар экан, қатъий қарорга келди. Ҳаммасига нуқта қўяди. Эрининг ҳам бошқа аёлга уйланиб фарзандли бўлишга ҳаққи бор. Ахир, умри шундай ўтиб кетавермайди-ку. Агар эрига қўйиб берса, аёлини ҳеч қачон ташлаб кетмайди. Шунинг учун...

Аввалига аёл буни айтолмай анча ўйланиб юрди.

– Тинчликми, нега паришонхотир бўлиб ўтирибсан? – дея кечқурун гап бошлаб қолди эр.

Барча гапни айтишнинг айни пайти келганини сезган аёл мақсадга кўчди:

– Сиз билан ортиқ яшолмайман! Илтимос, менинг жавобимни беринг ёки... – аёл шундай деркан бўғинлари бўшашиб, тутилиб қолди. Кўзларини дастурхон четига тикди. Нималар деяпти ўзи?

Аслида эса... ундан ажралишни умуман истамайди-ку. Лекин қачонлардир, кимдир бу ҳукмни ўқиши мумкин, мумкин эмас, аниқ. Шундай экан... аёл бунинг узоққа чўзилишини хоҳламади. Хўжайни балки бошқа аёл билан турмуш қурганида бахтли бўлар? Балки, ҳалиям кеч эмас...

Шунинг учун ҳам аёл ўзи истамаса-да, гўёки ўзини енгди. Эр худди унинг гапларини эшитмаётгандай, қимир этмади.

– Гапиринг, нима дейсиз, мен кетаман ёки сиз кетинг, бахтингизни синаб кўринг сиз ҳам... – деб юборди аёл бўғзигача бостириб келган йиғини тўхтатишга тиришиб.

– Ҳозир анча толиққансан. Асабларинг ҳам ўйнаб турибди. Шунга...

Эрнинг гапи чала қолди.

– Нима, телбасан демоқчимисиз? Ҳа, шундай. Мен телбаман! Шунинг учун кетинг! Ҳозироқ! Мен кунимни кўриб тураман, бирор маънили фикрга келсам, сўнг қишлоққа қайтаман. Сазойи бўлган мўлтонидай бўп...калит ўз жойида бўлади.

Эр яна индамади. Хотин унинг чиндан ҳам кетиб қолишига кўнглининг туб-тубидан ишонмас, аммо бу ҳис айни дамда бўй кўрсатмас ҳам эди.



– Сизга турмушга чиққан мен аҳмоқ... – деди аёл охири.

Бу чиндан ҳам аҳмоқнинг гапи эди. Эрнинг ранги ўзгариб кетди. Аммо ҳеч нима демади. Бир зум таёқдек жим қолди ва ўрнидан турди-ю, индамай чиқди-кетди.

У қайтмади.

* * *

Изиллаб йиғлаётган аёл юзини ёстиққа босди. У ўзича тўғри иш қилганди. Эри балки энди бахтини топар... бахтини топгандир ҳам. Бўлмаса, бундай, сувга тушган тошдай йўқоладими бус-бутун одам ҳам.

Эри кетганига қирқ кун бўлган эди.

Аёл бир нуқтага тикилганча жим қолди. Кутилмаганда телефон жиринглади. "Ким экан... Наҳотки..." Аёл талмовсираб бир зум жим турди, гўё телефон овози хаёлида — истагида садо бераётгандек эди. Аппарат яна жиринглади, унинг бу галги товуши худди бировнинг зорланганидай бўлиб туюлди унга. Ким бўларди, ахир? Аёлнинг юзига бир ғаройиб ҳиссиёт ёйилди: ким ҳам бўларди шу маҳалда. Телефонга шошди.

– Ало...

Жимлик. Аёлнинг юраги гупуриб кетди.

– Ким бу, гапиринг... – деди яна аёл.

– Бу мен... – ниҳоят жавоб келди.

Жувоннинг юзи қизарди, бошида турган оғриқ таққа тўхтади. У ўзини енгил ҳис қилди. Унинг юраги алдамаганди, қўнғироқ қилган эри эди.

– Байрамни яхши кутиб олдингми? Ўша куни эрталаб командировкага жўнаб кетишим керак эди. Бугун охирги кун. Эртага уйга қайтаман. Ўшанда бироз қизишиб кетдим, шекилли... — эркакнинг сўнгги жумласида хотини ҳам кутаётганига тўлиқ ишонч ва бироз завқ бор эди, у яна қўшимча қилди. — Сени соғиндим...

– Мен ҳам... – базўргина пичирлади аёл. – Сизсиз яшаш азоб экан...

Айни дамда уларнинг ҳар иккиси ҳам бениҳоя шодон ва бошқа бировлар туйиши, тушуниши қийин бўлган бир кўнгил ганжига етишган эдиларки, бошларида бошқа бирор савдоси ёки кичик ташвиши ҳам йўқ эди гўё. Ўтган қирқ кун уларнинг умрининг бутун бир, алоҳида даври бўлган эди асли.

**Гулноза МАМАРАСУЛОВА**

Қатра

# САРАТОН

Қишнинг энг юксак қири — қантар оғиб, қозиқ бошида қор турмай, баҳорга тобеин кунлар бошланиши — энг узун кечадан Саратоннинг киришигача бўлган масофа табиат қўли билан тортилган тўғри чизиққа ўхшайди. Йилни гўёки тарвузни қоқ ўртасидан икки паллага ажратгандек 22 декабрдан 22 июнгача шундай тенг, тўғри чизиқ бор.

Баҳори тугаб, юксак тоғларга — баҳор юртга йўл олган чўпон-чўлиқни қори эримайдиган манзилларга элтиб, уларнинг қўшхонаси, ўтов анжомларини тоққа кўчириб қайтган қўнғир нор туялар йўл-йўлакай туяқорин, шувоқ, қўнғирбошларни териб еб, даштларга келиб жойлашади.

Баҳору ёз талошида ҳориган бу туялар чанқоғини адиру тоғлар тўшидаги қоқларга* йиғилган сувдан қондириб олиб, ковуш қайтарганча қуёш тиғида чўкадилар.

Тоғлардаги энди бошланган баҳордан, даштлардаги яккам-дуккам қовжироқ майсалардан тўйиниб нортуяларнинг бариси тулаган — жунларини тўкиб юборган. Дўмбира ноласидаги ўркач нидолар, булоқларнинг ўркач-ўркач сойларга дўниши ва шу кўҳна нортуялар — саратон юкчиларининг қўнғир-қўнғир, бағрида гармселнинг ичи куйиб кетадиган, сароблари кўзни олгучи даштнинг қирлари... буларнинг барчасидаги ўркачлар бир-бирига ўхшаш, эгиз.

Саратон — йилнинг қўли қадоқ ўғли. Саратон — йилнинг юмуши мўл, ҳосили ғарқ боғлари. Саратон — сунбула оша кузак хирмонларини кўзлаб, қўлини пешонасига соялатиб қараётган деҳқоннинг сарвати. Саратон — осмоннинг заминга тирсагини ботириб, энкайиб қараши. Саратон — қошларнинг кўзларга, қабоқларнинг ёноқларга соя бериб, тоғ сўқмоқлари — қатлардай узун чизиқларни деҳқону чўпоннинг пешонасига тортиб ўтиши. Саратон ели — тўйларнинг товушини олиб келади.

Саратон "ҳайт" деган чўпон овозини қирлардан қайтариб, қўй қоринларига жойланган саримойни Омонхона ғорларига яшириб келади. Гулбулоқдан сув олишга келган бўй қизларнинг аксини шу булоқда ўзларига кўз-кўзлаб, арчаларнинг шохига атай, билмагандай, ташланган гул рўмолларини бўз йигитларга ўғирлатиб қўяди.

Саратон — дашт қўшиғи. Бу қўшиқни чўпон чалиб, деҳқон тўлиб айтади. Боғлар шовуллаб, далалар ҳуриллаб, даштлар ҳувиллаб, тоғлар гуриллаб айтади.

"Ўҳ кўкракка шамол тегди-е", деб юборди чилладан чиққан тут пишиғидан беҳи пишиғини кутаётган кексалар.

Термизда пишиб етилган чиллаки арпани Фарғона водийсининг тоғ олди майдонларида қайтадан экса бўлар экан. Саратоннинг авжида йилда икки марта ҳосил берар экан бу экинлар. Ана шу экинлар ичида оралаб юрган каламушми, илонми — уларнинг ҳеч бирига бободеҳқон зиён бермайди. Саратонда парлидан пар чиқади, тухумлар чумчуғу бургутга айланади. Қулону қурт бариси болалайди. Керагага осилган тиллақош мунчоқларидай ярқираб, қўл чўзса етгудек юлдузлар остида қўшоёқнинг болалари оёқлана бошлайди. Даштдаги тулки инларига дуд қўйилмайди, болалари нобуд бўлади. Туш маҳалида ку-кулаётган мусичаю каптарлар бариси бир бўлиб ўз тухумига сано айтаверади: ку-ку, ку-ку... Уларга жела* қўйишмайди.

Тилсиз балиқнинг увилдириғи сузишни ўрганаётганда бир ҳафталик бақалар томоқ чайиб сайрашни машқ қилади. Саратоннинг бағрикенг, бардоши мўл бўлади. Саратон овни, тажовузни таъқиқлайди.

Саратонни шаҳарларнинг бўйчан терагу оқ толлари олисдан кўради. Бошларини чайқаб, барглари билан шивирлашиб қолишади улар. Барглар қотади, шира бойлай бошлайди. Ҳашаротларнинг қисқа, учқур кунлари кўкда суза бошлайди.

Саратон бозорининг қўли қўлига тегмайди. Очиқ кўнгил боладай "кулиб" турган тарвузлар пайкалидан қиздудоқ гилосгача ҳаммаси бозор оралайди.

Тўққизда йиққанинг тўқсонга етадими, дейди, саратон. Тўққиз ой йиғиб-териб, қоқ қилиб қуритиб, идишга солиб ёпганинг, қопларга жойлаб қўйганинг тўқсон кунлик қишга етадими, дейди, саратон.

Ўн иккида йиққанинг ўттиз иккига етмайди, — дейди яна у ўттиз иккита оқ тутдай тишларни кўрсатиб. Саратон шаҳарликларни тоғларга сайрга олиб боради. Дашт болаларини шаҳарга ташийди. Саратон элни ишга кўмиб ташлайди, элнинг кафтига бол тўкади. Юртга файз беради.

Қадим маконларда саратоннинг қабоқлари киртайиб, йўлларнинг чангини чиқарган ана шундай кунларда кўҳна йўловчи — офтоб уловига бир қамчи бериб салгина тезлайди. Кундан тунга тилла тўкилади. Булутсиз, қизарган уфқ тилла теради. Кун қарийди, қисқара бошлайди.

Саратонинг жингиртоб тиғи замину замонга ўзига сездирмай зеб беради. Дастурхондай очиқ далаларда, кўнгиллардай ройиш боғларда деҳқону боғбон кифтини қуёшга тираб ризқ бунёд этади. Бу ризқни элга ҳозирлайди, элга атайди. Анҳорларда толларга кийимини илиб «гуппа-пиш» қилаётган болаларнинг кўзларида ўйнайди саратон. Бу кўзларда завқ ва келажак порлайди. Бу болалар қишлоқларидан шаҳару кентларга қирлар оралаб ўтаётган турнақатор паравозларга қўл силкиб қийқиришади.

Саратон қўнғир-қўнғир нортуяларни чўктирган даштларда эпкинлар чуқур нафас олиб соялар манзиларга йўл олганида ана шундай баракали кунлар бошланган бўлади.

Бизнинг умримизни ёзнинг норлари кузакка шу зайл элтиб ўтаверади.

**Шодмонкул САЛОМ**

* қоқ — сув йиғиладиган табиий кўл
* жела — қушлар қопқони



# ОГОҲЛИККА ЧОРЛОВ

Бугун бутун дунёда терроризм, одам савдоси, кишиларни эзгуликка даъват этувчи муқаддас динни ниқоб қилиб олган экстремизм, ақидапарастлик балоси долзарб муаммога айлангани ҳеч кимга сир эмас. Бундай йўлга кирган кимсалар етарли диний билимга эга бўлмаган содда, ишонувчан кишиларни тузоққа илинтириб, ўзларининг чиркин мақсадларига эришиш йўлида уларни воситага айлантиришяпти. Энг ёмони бу йўлда нозик хилқат — аёллардан фойдаланишдан ҳам тап тортишмаяпти.

Томошабинлар эътиборига яқин кунларда ҳавола этилган "Алданган аёл" филмида билиб-билмай ана шундай ёвуз ниятли кимсалар чангалига тушиб қолган аёлнинг аянчли қисмати акс эттирилган. Филмга аёл кишининг тақдири асос қилиб олингани бежиз эмас. Ёмон ниятли кимсалар аёл табиатига хос соддалик, ишонувчанлик хусусиятларини эл-юрт тинчлиги, жамият осойишталигига қарши қўйишга уринишяпти. Бунинг оқибатида дунёнинг турли чеккаларида аёллар ўз юртдошлари, яқинлари, ҳатто дунёга келтирган фарзандларига қурол ўқталишаяпти, ҳавойи даъволар таъсирида бегуноҳ одамларнинг, ўзларининг умрларига зомин бўлишяпти. Нафосат ва маъсумлик тимсоли сифатида улуғланадиган, табиатан фарзандлар тарбияси, оила тинчлиги учун масъул бўлган аёлнинг бундай ваҳшийликларга қўл уриши кишини даҳшатга солади.

Шу маънода "Ўзбеккино" миллий агентлиги буюртмасига кўра "Алданган аёл" филмининг суратга олиниши айни муддао бўлди. Филм сюжети реал воқеалар асосига қурилган. Унда оддий бир аёлнинг фожиали тақдири ҳикоя қилинади. Тинчгина меҳнат қилиб, фарзандлари тарбияси билан шуғулланиб юрган муаллима Моҳира оқибатини ўйламай нотўғри қадам босиб қўйди. Ўз ихтиёри билан ўзини бадният, разил одамлар қўлига топширади.

Унинг ўйламай, кўр-кўрона босган қалтис қадами бир оила бошига кутилмаган мусибатлар олиб келиши филмда ишонарли тасвирланади. Филм воқеаларини кўрар эканмиз, агар атрофдагилар, яъни сиз ва биз — ҳаммамиз огоҳ ва ҳушёр, журъатли бўлмасак, бундай воқеалар бошқаларни ҳам ўз комига тортиши мумкинлигига ишонч ҳосил қиламиз. Муқаддас динимизни ўзларининг манфур ва ғаразли манфаатлари йўлида ниқоб қилиб, содда одамларни қабоҳат, разолат исканжасига тортишга бўлган уринишлар таъсирли эпизодларда очиб берилади.

Сценарий муаллифлари (Ғафур Эшмуродов ва Ҳилол Насимов) воқеалар моҳиятини очиш учун жиддий изланганлар.

Райҳон Уласенова, Толиб Мўминов, Юлдуз Ҳамидова, Миравaз Солиҳов, Жалол Юсупов, Жамила Ғафурова, Гавҳар Шарипова, Аброр Йўлдошев, Малика Усмонова, Сайфиддин Мелиев, Шуҳрат Эргашев, Муҳаммадқодир Ниғматов ва бошқа актёрларнинг ижодий изланишлари эътиборга сазовор.

Улар ҳаётий образлар яратганлар.

Истеъдодли актриса Райҳон Уласенова бош қаҳрамон Моҳира образини ишонарли талқин этган. Бутун филм давомида актриса қаҳрамонининг изтиробли ўй-кечинмалари, руҳий ҳолатлари орқали томошабин эътиборини тортиб туради. Картина хотимасида бу дунёсини бой бериб, ҳаёти саробга айланган Моҳиранинг ҳолатини ҳам Р.Уласенова таъсирчан ифодалашга муваффақ бўлган.

Дастлаб унинг турмуши ҳавас қиларли даражада тинч ва осойишта кечаётган эди. Моҳира замонавий коллежлардан бирида ёшларга сабоқ берар, икки фарзанди, мўмин-қобил турмуш ўртоғи билан ширингина ҳаёт кечираётган эди. Аммо



онаси вафотидан сўнг у оғир руҳий изтироб чангалига тушиб қолади. Лекин на эри, на ҳамкасблари унга кўмак беришмайди. Хуфя жиноятчилар аёлнинг бу ҳолатидан усталик билан фойдаланишади. Бир сўз билан айтганда, Моҳира лоқайдлик ва калтабинлик қурбонига айланади.

Сўнгги вақтларда қатор филмларда яратган образлари билан мухлислар эътиборига тушган Жамила Ғафурова ижросидаги Заҳро образи ҳам томошабинда чуқур таассурот қолдиради. Ж.Ғафурова покдомон, қатъиятли аёл образини яратган. У одамларга ишонувчанлиги, соддалиги туфайли динни ниқоб қилиб олган мараз кимсалар тўрига илинади. Ҳақиқатни тушуниб етгач, Заҳро — Ж.Ғафурова ўзини кўзи қонга тўлган йиртқичлар ихтиёрига топширишдан кўра ўлимни афзал билади. Унинг ижроси ҳиссий кўламининг кенглиги, кечинмаларга бойлиги билан ажралиб туради.

Фикримизча, филмга мусиқа танлашда ҳам дид билан иш тутилган. Аксар драматизмга тўла лавҳаларга ҳамроҳлик қилувчи мусиқалар нафақат вазиятнинг ниҳоятда қалтис ва таҳликали эканини, балки асосий қаҳрамонларнинг руҳий изтиробларини, улар қалбида кечаётган зиддиятларга тўла кечинмаларни ҳам таъсирчан очишга хизмат қилади.

Театр санъатида ҳам, кино санъатида ҳам тил ва нутқ масаласи ҳамон эътиборталаб ва долзарб омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур филмга овоз бериш жараёнида тил лўнда ва бурро, ҳар бир сўз аниқ-тиниқ, нутқ равон бўлишига эътибор берилган. Картинага жам бўлган воқеалар тақозосига кўра айрим эпизодларда қозоқ, тожик, рус-татар тилларининг аралаш келиш ҳоллари учрайди. Ана шундай вазиятларда ижодий гуруҳ бўлаётган воқеалар маъноси тўла англашилиши учун ўзга тилларда бериладиган матнни, гарчи улар ниҳоятда қисқа бўлса-да, воқеалар мазмуни ва суръатига мослаштиришга, сўз ҳамда жумлаларнинг тиниқ ва аниқ талаффуз этилиб, томошабинга тушунарли бўлишига ҳаракат қилган.



Бош қаҳрамони Моҳира воқеалар сўнгида ўзининг мудҳиш хатосини англаб етиб, пушаймон бўлади. У инсонпарварлик тамойилларига асосланган Амнистия ҳақидаги Фармонга биноан муддатидан олдин озодликка чиқарилади. Бу ўринда халқимизга хос бўлган кечиримлилик, ҳар қандай шароитда ҳам аёлларга нисбатан эътиборли бўлиш каби хусусиятлар экранда жуда таъсирчан йўсинда акс эттирилган.

Филмда кўтарилган масала бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Зеро, бугун жамиятимиз тинчлигига раҳна соладиган, унинг тараққиётига тўсқинлик қиладиган ҳар қандай ёт ғоявий иллатларнинг асл моҳиятини кино экранларида таъсирчан усулларда, ишонарли йўсинда кўрсатиб бериш киноижодкорларнинг ҳам асосий вазифаларидан биридир. Шу маънода, "Алданган аёл" филми ижодкорлари олдиларига қўйган вазифани уддалай олишган.

**Махсума ХОЖИМАТОВА**

# "АЛПОМИШ"НИНГ БОҚИЙ УМРИ

Эътироф

Бахшилар санъатига узоқ йиллар давомида халқ ижрочилигининг шунчаки экзотик кўриниши сифатида қараб келинди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Бахшилар куйлайдиган "Алпомиш", "Гўрўғли", "Равшанхон", "Авазхон", "Маликаи айёр" каби достонларнинг барчасида мардлик, қаҳрамонлик, халқ озодлиги ғоялари мадҳ этилган. Уларнинг маънавий таъсиридан хавфсираган қизил мафкура достонларни кенг омма эътиборидан яширишга ҳаракат қилди.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг барча миллий қадриятларимиз қатори бахшилар санъати ҳам қайта тикланди, "уйқу"дан уйғонган Алпомиш каби қаддини ростлади. Бу санъат намуналарини магнит тасмаларига ёзиб олиш, радио тўлқинлари орқали тарғиб қилиш ишига муносиб ҳисса қўшган ижодкорлар қаторида Нуриддин Аминжоновнинг ҳам ўз ўрни бор.

Дастлабки йилларда осон бўлмади. Ўзбек радиоси тарихида мазкур ишга биринчи марта қўл урилаётгани сабаб бу борада ҳали етарли тажриба тўпланмаган эди. Шунга қарамай, Н.Аминжонов раҳбарлигида тузилган ижодий гуруҳ Қашқадарё вилоятидаги ҳаваскор ансамбллар ва фолклор жамоаларини ўрганиш мақсадида сафарга чиқади. Ижодий экспедицияга чироқчилик машҳур бахши Шомурод Тоғаев ҳам таклиф қилинади. Ўша вақтда олтин фондга киритиш учун ҳар бир қўшиқнинг матни бўлиши керак эди. Шомурод бахшидан "Бирон достоннинг матни борми", деб сўрашганда, у ҳайрон бўлиб, "Мен қоғозга қараб эмас, ёддан айтаман", деб жавоб берган. Шундан сўнг икки кун давомида бахши тилидан достонни қоғозга туширишган. Студияда ёзиш ишлари бошланганда Шомурод бахши қоғозга ёзилган асарнинг биринчи бетини охирига қадар айтиб келган, бироқ иккинчи бетдан бутунлай бошқа сюжетга ўтиб кетган. "Шундан кейин, билдимки, бахшини жиловлаб бўлмайди, — дейди Н.Аминжонов. — Бахши — оқар дарё. У хоҳласа қирғоқларни бузиб оқади, хоҳласа янги ўзан солади. Ўшанда "Гўрўғли" туркумидаги "Шоҳдархон"ни ёзиб олганимиздан сўнг радио хазинасини достонлар билан бойитиш орзуси юрагимда аланга олди."

Ўтган йиллар ичида радионинг "Халқ ижодиёти" бўлими томонидан кўпгина ноёб достонлар, термалар ёзиб олинди. Улар орасида "Равшан ва Зулхумор", "Авазхон" (Чори Хўжам ўғли), "Соҳибқирон ва Соҳибжамол" (Бахшиқул Тоғаев), "Орзигул" (Бойкўчқор бахши), "Кунтуғмиш" (Абдурашид бахши), "Малла савдогар" (Хушвақт Мардонақулов), "Олтин қовоқ", "Равшанхон" (Абдуназар Поёнов), "Маликаи айёр" (Бобораим Маматмуродов), "Ойпарча" (Очил Чоршанбиев), "Ёзижон билан Зебижон" (Умархон Мелибоев) каби халқ қўшиқчилигининг энг сара, классик намуналари бор. Олтин фондни кўздан кечирар экансиз, кўплаб тасмалар орасида "Алпомиш"га ҳам кўзингиз тушади. Шарқ достончилигининг энг юксак намунаси ҳисобланган ушбу асар олтин фонднинг ҳақиқий жавоҳири ҳисобланади. Негаки, "Алпомиш" фақат халқ қаҳрамонлик достонигина эмас, ўзбек тилининг ниҳоятда бой ва мукаммаллигини намоён этувчи ажойиб тил ёдгорлиги ҳамдир. Ана шу тил ёдгорлиги кейинги тамаддунлар таъсирида бутунлай унутилиб кетмаслиги учун ҳам уни магнит тасмаларига ёзиб олиш ҳамда матнини катта-катта тиражларда чоп этиш лозим.

"Алпомиш"ни радиода ёзиб олинишининг ўзига хос тарихи бор. Буюк халқ эпосининг минг йиллик юбилейи арафасида достоннинг мусиқий нусхасини яратиш борасида катта иш бошлаб юборилди. Овозининг жарангдорлиги, достонни пухта билиши ҳамда дўмбирани мукаммал чалишини ҳисобга олиб, раҳматли Қодир бахшининг уч ўғли – фарзанд-шогирдларидан ёзиб олиш таклиф қилинади.

Аслини олганда, гап фақат юбилейда эмасди. "Алпомиш"дек буюк достоннинг Ўзбекистон радиоси олтин фондида йўқлиги уятли ҳол эди. "Эътиборсизлигимиз оқибатида ҳассос бахши-шоиримиз Қодир бахши Раҳимовдан ёзиб ололмаганмиз, — деб хўрсиниб қўяди Нуриддин ака. — Асарни машҳур бахшининг уч фарзанди – Абдуқаҳҳор, Абдумурод, Баҳромлардан ёзиб олишга аҳд қилганимиз сабаби ҳам шунда. Ана шу уч ижрода достоннинг шиддати ва жарангини бир маромда ҳис этасиз".

Нуриддин Аминжонов Деҳқонободга борган куни туман меҳнаткашлари Янгиобод қишлоғидаги бир қирда Наврўз байрамини нишонлаётган экан. Абдуқаҳҳор, Абдумурод ва Баҳром билан ўша ерда учрашиб, уларга Қодир бахши айтолмай кетган "Алпомиш"ни сизларнинг ижроингизда ёзиб олсак, деган таклифни айтади. Ака-укалар рози бўлишади. Бироқ Қаршига овоз ёзиш учун фақат Абдуқаҳҳор билан Абдумурод келади. Улар узр сўраб, Баҳром Туркманистонга бир ойга тўйга кетганини айтишади. "Аввалига хафа, сўнг хурсанд бўлдим. Негаки, туркманларнинг ўзбек бахшичилигига ҳурмати, қизиқиши, қолаверса, шахсан Қодир бахшининг фарзандларига эътибори тўлқинлантирди", дейди Нуриддин ака.

"Алпомиш"ни тасмага тушириш осон кечмаган. Биринчи куни икки соатлик қисмни ёзиб олишгач, Абдуқаҳҳор Термизда тўйи борлигини айтиб, рухсат олиб кетган. Иложсиз қолган Н.Аминжонов "ваъда, лафз — санъаткорнинг номуси" деб рухсат берган. Қаҳҳор бахшининг бир кунга рухсат сўраши роппа-роса бир ҳафтага сурилган. Ниҳоят, кўпчиликнинг саъй-ҳаракати туфайли бахшилар қайтиб келишган. Улар достонларнинг радио орқали тарқалиши яхши натижа бермайди, деган фикрда эди. Нуриддин ака бахшилар билан жиддий суҳбатлашиб, уларни радионинг умри боқий эканига, эфирда жонли ижронинг таъсири кучли бўлишига ишонтиради. Шундан сўнг ака-укалар "Қани, бир кўрайлик-чи", дейишган. Абдуқаҳҳор студияда куйлашни бошлагач, фикри ўзгариб, "Алпомиш"ни тўлиқ айтишга розилик билдирган. Уч кун давомида достон тасмаларга муҳрлаб олинади.

Асар ҳар куни ярим соатдан ўттиз тўрт кун давомида эфирда бериб борилди. "Алпомиш"нинг ҳаво мавжлари бутун мамлакатимиз хонадонларида меҳмон бўлди, миллионлаб қалбларни ларзага солди. Айтишларига қараганда, ўша вақтда бу достонни кўзида ёш билан тинглаганлар ҳам бўлган экан.

Қодир бахши Раҳимов "Алпомиш"ни 32 нағма ва оҳангда ижро этган. Ҳар бирининг ўз номи бўлган. Масалан, "Қўй қайтариш", "Сарвиноз", "Ғарибнома", "Лақай йиғлаш", "Сибизға" ва ҳоказолар. Дўмбирада достон куйлаётганда овозга оҳанг бериб турувчи нағмалар бор. Қодир бахши бўш пайтларида қатор мусиқа асбобларини чалиб овозини чархлар экан. "Биз ёзиб олган "Алпомиш"нинг бадиий қиммати шундаки, соз ва овоз мутаносиблиги тингловчига чексиз завқ инъом этади", дейди Н.Аминжонов.

Мухлислар уч ака-укани эшитиб: "Учаланг қўшилиб, битта Қодир бахшисан" деб таъриф беришган. Зеро, Қодир бахшининг кўп достон билиши — Қаҳҳорга, дўмбирани мукаммал чертишлари — Абдумуродга, овозининг жаранги — Баҳромга ўтган. Халқимиз бахшиларда илоҳий куч бор дейди. Қодир Раҳимовнинг ўғилларига табиат ўз саховатини аямай катта иқтидор юқтирган. Уларда тўқиб кетиш, эшитганини уқиб кетиш қобилияти бор. Ака-ука "Алпомиш"ни ёд олмаганлар. Ҳар сафар ижро қилганларида ўзгача куйлайдилар.

Шундай қилиб, Нуриддин аканинг жонкуярлиги боис "Алпомиш" келажак авлодлар томон ўз овози, сози билан парвоз этди.

Ҳозирги вақтда бахшилар санъатига дунё миқёсида катта қизиқиш билдирилмоқда. Мамлакатимизда номоддий маданий мерос намуналарини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастури қабул қилиниб, унинг доирасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда бахши шоирлар уюшмаси ҳам ўз фаолият юритмоқда. Шунингдек, ҳар йили бахшилар ўртасида республика кўрик-танловлари ўтказиш, турли фестиваллар ташкил этиш анъанага айланган.

Бугун радиога "Алпомиш"ни магнитофон тасмасига ёзиб беришни сўраб кўплаб мухлислар мурожаат қилишмоқда. Кўз тегмасин, ёшлар орасида ҳам бу асарга қизиқиш катта. Назаримизда, "Алпомиш"нинг умрбоқий оҳангларини бутун дунёга таратиш вақти келди.

Буюк достоннинг минг йиллиги баҳонасида Ўзбекистон радиоси орқали бахшилар санъатига эътибор кучайди. Шундан буён Н.Аминжонов муаллифлигида "Бахшилар куйлаганда", "Азим дарё", "Бахшилар баёти" каби эшиттиришлар узлуксиз бериб борилмоқда.

**Қурбонмурот ОМОНҚУЛОВ**

# "ҚАРАМАЙСИЗ" КИМНИКИ?

Мулоҳаза

Ўтган асрда Ўзбек Миллий академик театрининг энг яхши спектаклларидан бўлган "Парвона" комедияси бош қаҳрамони Ўткурийнинг "Қарамайсиз" ашуласи халқ ўртасида кенг ёйилган. Айтиш жоизки, бу қўшиқ машҳур саҳна асари таркибига бежиз киритилмаган. У Ўткурий табиатига хос беқарорлик хислатини ёрқинроқ очиш учун бир восита бўлиб хизмат қилган. Бу ашулани бугун ҳам баъзи ҳофиз ва хонандаларимиз ўзига хос усулда ижро этиб келишмоқда. Мазкур тарона негизида ёш хонандалар Муродил Ҳакимов ва Дилноза Исмияминова яхшигина дуэт ҳам яратишди. Аммо баъзи ижрочиларимиз мазкур ашулани телевидение ва радио орқали халқ қўшиғи сифатида тилга олмоқдалар.

Унутмаслик лозимки, халқ қўшиғи билан лирик шеър ўртасида жиддий тафовут бор. Буни хонандалар яхши фарқлаши керак, деб ўйлайман. Сўз юритилаётган ашула XIX аср Қўқон адабий муҳитининг йирик сиймоси Зокиржон Фурқат қаламига мансуб ғазалдир.

Шунингдек, кўпчиликка машҳур "Жонон бўламан деб..." ашуласининг кўпгина ижрочилар томонидан халқ қўшиғи сифатида тилга олиниши ҳам жуда ажабланарли. Бу қўшиқ матни XX асрнинг биринчи чорагида ижод қилган Мирза олим Самарқандий меросига мансуб мухаммасдир. Ҳар икки ашуланинг оҳанги, мусиқий тароватти, мазмунига эътибор берилса, улар халқ қўшиқлари сингари ҳазин ёхуд уйноқи услубда жаранглaмайди. Модомики, хонандалар муайян ашула матнининг муаллифидан бехабар эканлар, у ҳолда тахминан халқ қўшиғи деб айтиб юборавеpишлари одобдан эмас.

Демоқчиманки, "Ҳўп ҳайда", "Воҳай бола", "Алла", "Ёр-ёр" сингари халқ қўшиқларини фалончи шоир қаламига мансуб деб бўлмагани каби муайян шоирнинг ижод маҳсули бўлган, ашулага айланган шеърни ҳам халқ ижоди намунаси деб бўлмайди.

Яна бир гап. Баъзи шоирлар халқ қўшиқлари ва куйларига мос шеърлар ҳам ёзганлар. Бундай ҳолда шоир сарлавҳада "Халқ йўлида" ёки "Халқ оҳангида" деб таъкидлаб ўтади. "Дуторчи қизлар" томонидан куйлаб келинаётган машҳур "Ялили" қўшиғи аслида XIX аср охири ва XX аср аввалида Сайрамда истиқомат қилган шоир Юсуф Сарёмийнинг улуғ Навоий ғазалига боғлаган мухаммасидир. Аммо бу ҳақдаги маълумотлар саноқли адабиётшуносларгагина маълум бўлгани учун санъаткорлар буни ҳам халқ ижоди деб ўйлайдилар.

Хонанда ва ҳофизлар бирор шеърни қўшиқ қилишдан олдин унинг муаллифи ва шоирнинг ижоддаги ғоявий мавқеини яхши билсалар, нур устига нур бўлур эди.

**Абдураҳмон ПИРИМҚУЛОВ,**
**адабиётшунос**

# ЎЛАНЧИ ВА ЛАПАРЧИЛАР КЎРИГИ

Бобур номидаги Наманган маданият ва истироҳат боғида мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб "Ўлан айтгали келдик" деб номланган анъанавий фолклор санъати байрами ўтказилди.

Ёшларнинг фолклор санъати, айниқса ўлан ва лапар ижрочилигига қизиқишини ошириш, "Устоз-шогирд" анъаналарини давом эттиришни кўзда тутувчи мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан юздан ортиқ ўлан ва лапар ижрочилари иштирок этди.



Ҳайъат хулосасига кўра, Тобаназар Бозоров (Қорақалпоғистон) энг яхши жиров, Марҳабо Сатторова ва Баҳодир Исмоилов (Андижон) қадимий ўлан ижрочиси, Хоним Ҳасанова ва Тошбиби Ҳусанова (Қашқадарё) энг кекса ўлан ижрочиси сифатида соврин билан тақдирландилар. Назокат Шодиева, Лутфулло Бобомуродов, Нигора Рўзиқулова, Абдулла Эркаев, Кимёхон Мадраҳимовага турли номдаги мукофотлар топширилди.

Лапар жанри бўйича Самарқанд вилоятидан Нурхон Усмонова энг яхши лапар ижрочиси, деб эътироф этилди. Шунингдек, энг қадимий лапарни ижро этган, миллий анъаналарни ўзида мужассам қилган, лапар ва рақс уйғунлигига эришган ижрочилар ҳам алоҳида совринлар билан тақдирланди.

Ғолибларга Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти маркази, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳамда Наманган маданият ва спорт ишлари бошқармаси халқ ижодиёти марказининг диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**М.ҚОЗОҚБОЕВ**

# Маданий ҳаёт

Тошкент фотосуратлар уйида "Ўзбек фотосурати тараққиёти ва истиқболи" анжумани бўлиб ўтди. Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу илмий-амалий анжуман фотография санъатининг ривожланиш йўлларини белгилаш, маданий ҳаётимизда тутган ўрнини атрофлича муҳокама қилиш имконини берди.

— Ижод ҳам ҳаётга ўхшайди, — дейди анжуманда иштирок этган сурхондарёлик фоторассом Сардор Қурбонов. — Унинг тўхтаб қолмаслиги, етакчи маънавий кучга айланиши учун мамлакатимизда барча шароитлар яратилган. Биз фотосуратчилар ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, ҳаётнинг олдинги сафида боришга интилишимиз керак. Асарларимда кўпроқ Сурхон воҳасининг биз учун таниш бўлмаган урф-одатларини, миллий ўйинларни акс эттиришга интиламан.

Анжуман доирасида иштирокчилар Тошкент фото уйининг тарихи, мамлакатимизда замонавий фотографиянинг ривожланиш босқичлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишди.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

* * *

Лола Расулова Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейини муваффақиятли тамомлаган. Шундан сўнг таҳсилни Москвадаги машҳур Гнесинлар номидаги мусиқий мактабда давом эттирди. Женева консерваториясида аспирантурани тугатиб, касб сирларини ўрганишда давом этмоқда. Бир вақтнинг ўзида Швейцария Скрипка академиясида тажриба оширишга муваффақ бўлди. 2003 йили Лола «Ниҳол» мукофотига сазовор бўлиб, «Истиқлол» мусиқа танловида юксак ўринни эгаллади.

Яқинда Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида ёш пианиночи Лола Расулованинг концерт дастури бўлиб ўтди. Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган дастурда иқтидорли пианиночи жаҳон мумтоз асарларини маҳорат билан ижро этди.

**Зоҳида МИРРАҲИМОВА**

# "ТЕАТР" 2011 йил, №3




"Ёшлар миллатимизни дунёга танитган олиму фузалолар, давлат арбобларининг ҳаёти ва тақдирига бағишланган спектаклларни кўриб қанчалик тўлқинланса, жамиятимизда шу кунларда кечаётган воқеаларни акс эттирувчи, истиқлолни мустаҳкамлаш учун курашаётган замондошларимиз қиёфасини гавдалантирган асарларни ҳам шунчалик ҳаяжон билан томоша қилади", деб ёзади санъатшунослик фанлари доктори Сарвиноз Қодирова "Сени куйлаймиз замондош" мақоласида. Мақолада пойтахтимизда бўлиб ўтган республика театрлари кўрик-танловининг аҳамияти, унда намойиш этилган асарлар, уларнинг бадиий савияси таҳлил қилинади.

Журналларни варақлаганда

Дилфуза Раҳматуллаеванинг "Эл севган санъаткорлар" рукнидан жой олган "Шум боланинг ижод йўли" сарлавҳали мақоласи ҳам ўқувчиларга манзур бўлишига шубҳа йўқ. Унда Ўзбекистон халқ артисти, таниқли кино ва театр актёри Хайрулла Саъдиевнинг ҳаёт ва ижод йўли таъсирчан, жонли мисолларда ҳикоя қилинади. Нодир Сайфуллаевнинг "Театр санъатида маркетинг ва менежмент масалалари" номли тадқиқотида замонавий саҳна санъатининг иқтисодий асослари, бу борада Ғарб ижодкорларининг тажрибалари батафсил ўрганилган. Тадқиқотда кўпчиликка маълум бўлмаган, қизиқарли тарихий далиллардан фойдаланилган.

Пўлат Тошкенбоевнинг "Ўзбек цирки: изланишлар ва ютуқлар" мақоласи мустақиллик даври ўзбек томоша санъати, унинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида. Шунингдек, "Театр" журнали мундарижасидан Аҳмаджон Раҳимовнинг "Ҳар кимнинг ўз ўрни бор", Саидаҳмад Турсуновнинг "Эргономика ва театр", Маҳкам Исроиловнинг "Актёр табассуми" каби ўқувчиларни мулоҳазага чорловчи суҳбат ва мақолалари ҳам ўрин олган.

Хажвия

# МАДРАЙИМНИНГ АЙТГАНИ

Университетда бирга ўқиган курсдош дўстимиз Жарилқасиннинг хотини Гулсум ғўлабирдай тўлагина эди. Икки табақали эшикдан ёнбош бўлиб сиғмаса, тўғри бориб ўта олмасди. Кўришмаганимизга анча бўлганди, яқинда йўлим тушиб уйига борган эдим икки кўзим хонасидан чиқиб кетаёзди. Хаскашга кийим кийгизгандай чўпдек озғин бир аёлни Жарилқасиннинг икки қизи қўлтиқлаб уйга олиб кираётир. Гулсумми десам, қамишдек қалтираб турган биров. Гулсум эмас десам, кўзи билан бурни "мен — Гулсумман-ку", деб турибди.

— Онангизми? — деб сўрадим шунда қизларидан.

— Ҳа, — дея имо билан тасдиқлашди қизлар.

Гулсум чап қўлининг бармоқларида қабоғини юқорига кўтариб менга қаради. Таниган бўлса керак, бир нима дегандай лабларини қимирлатди, лекин овози чиқмади. Қўл чўзиб кўришмоқчи бўлдим, бироқ ҳозиргина қабоғидан шилқ этиб туширган қўлини қайтадан кўтариш унга нақадар мушкул эканини тушуниб, индамадим.

Дард нор туяни ҳам чўктиради, дейдилар. Бултур кўрганингизда Гулсумнинг келбатидан от ҳуркар эди. У ўтирган кўрпачага иккинчи одам сиғмасди. Шофёрлар уни машинага миндиришдан безор бўлиб:

— Балоним ёрилиб кетади, — деб зориллаб қўяверарди.

Иштаҳасини айтмайсизми?

Овқатни оғзидан аввал кўзи еб бўлади. У билан бир товоқда ош еган одам йўлда ошхонага қайрилмаса, тўй-маъракадан қорни сурнай чалиб, оч қайтади. Шундай басавлат Гулсумимиз ҳозир суякдан қалаштириб қўйилгандек қоқ устихон билан қовурға бўлиб қолганди.

— Гулсум, оғриб қолдингми? — дедим аста тиззамни букиб кўрпачага чўкаётиб.

— Йўқ! — деб бош чайқади у.

Мен хайрон бўлиб қизларига қарадим, қизлар нима дейишларини билмай нигоҳларини ерга қадашди.

Чой дамлаб қўйишди. Бир-икки пиёла ичгунимча ташқаридан Жарилқасиннинг товуши эшитилди:

— Гулсум, — остонага оёқ босмасданоқ бақирди у. — Қаердасан? Очиқ ҳавога чиқдингми?

У кела солиб мени кўрдию, ғулдираб қолди.

— Кечирасан, жўра, тўрт-беш ой бўлди, келинингни Мадрайим деган жин урди. Мана шу мойни излаб, бормаган дорихонам қолмади.

Сўнг Гулсумга юзланди:

— Ма, шу билан ювиб қўяқол. Талоғинг йиринглаб кетмагандир ҳали...

Жарилқасин иккимиз бошқа хонага чиқдик. Сабрим чидамади. Гулсумга нима бўлганини сўрадим.

— Дардимни қўзғамасанг-чи, — деди у куйиб-пишиб. — Ўзинг биласан-ку, Гулсум қўлига китоб ушлаган заҳоти ухлаб қоларди. Телевизордан ҳам мултфилмга карарди холос, бошқа кўрсатувларга унчалик ҳуши йўқ эди. Бир куни, нима жин урди билмайман, ишдан келсам, бизнинг дўмбоқчамиз Мадрайим деган муаллифнинг "Касалликлардан қутилиш йўллари" деган китобини ўқиётган экан.

— Худога шукур, сен ҳам китоб ўқийдиган бўлибсан-а, — деб кулдим.

У кулмади. Гумбурлаган товушини баланд чиқариб, ифода билан, бурро-бурро ўқиди. Баъзи саҳифаларни ёдлаб олиш учун қайта-қайта такрорлади. Шу тарзда бир ҳафта — етти кун давомида кечаю кундуз Мадрайимнинг китоби қўлидан тушмади.

Бора-бора эрталаблари нонушта қилмай қўйди.

— Гулсум, тур, чой ичмайсанми?

— Сиз чойингизни ичиб кетаверинг, кейин ўзим дамлаб ичарман.

Тушда уйга келсам, овқатимни дастурхонга қўяди-да ўзи бир четга бориб алланималарни титкилаб ўтиради.

— Овқатга келсанг-чи?

— Овқатланаверинг, ҳозиргина чой ичган эдим.

— Чой бошқа, иссиқ овқат бошқа.

Анчайинда овқатни товоқ-товоғи билан қўшиб ютиб юборгиси келиб турган бу аёл энди таомга бурилиб ҳам қарамай қўйди. Кечқурун ҳам аҳвол шу. Қозондаги овқатни товоққа сузиб қўяди-да ё телевизор кўради, ё чиқиб кетади.

Унинг бу қилиғидан гоҳ ажабландим, гоҳо қўрқдим. Ўйланиб-ўйланиб ишхонамдаги бир-иккита ҳамкасбимга дардимни айтдим.

— Неча кун бўлди? — деб сўради улар.

— Етти-саккиз кун бўлиб қолди.

— Қуюқ овқатни емайдими, суюқ овқатни?

— Унисиниям, бунисиниям емайди.

— Қора чой ичадими?

— Йўқ!

— Кўк чой ичадими?

— Йўқ!

Улар менга ачиниб қарашди.

— Ёмон айтмай яхши йўқ, дейдилар, дўстим, аёлинг анавунақа касаллик билан оғриган бўлиши мумкин...

— Қўйсангиз-чи, гапингизни ел учирсин-а!

— Илойим, ундай бўлмасин! Бироқ касалини яширсанг, иситмаси ошкор қилади. Энди болаларингизнинг бахтини кўрайин деб турганингизда... Шўрингиз қуриб қолмасин яна...

Дод деб юборишимга оз қолди. Ичимдан бир нарса узилиб кетгандай бўлди. Тишимни тишимга босдим...

Хуллас, дуч келган одамга арзи ҳол қилавердим. Зув этиб яна икки ҳафта вақт ўтиб кетди. Хотинимнинг эти қоча бошлади. Энди нима қиламан? Бир ёстиққа умид билан бош қўйган бўлсам, менга нега чинини айтмайди-я...

Бир куни болалар йўқлигида хотинимни бурчакка қисиб сўроққа тутдим.

— Нега овқат емаяпсан?

— Даволанаяпман, — деди шикастагина ютиниб.

— Ким даволаяпти?

— Ўзимни ўзим.

— Тани-жонинг соғми ўзи! Ростини айт, қаеринг оғрияпти? Касал бўлсанг, олдини олиб, даволатайлик. Томоғингдан овқат ўтадими ўзи ё қилтомоқ бўлиб қолганмисан?

— Ҳушингиз жойидами! — аёлим чўчиб тушди-да ёқасига туф-туфлаб деди, — парҳез қиляпман!

— Қанақасига?

— Биз овқатланиш маданиятини бузганимиз учун ортиқча семизликка дучор бўларканмиз, — деди у Мадрайимнинг китобини қўлига олиб, — Мадрайимнинг айтишича, ортиқча семиз одамларда юрак инфаркти, қон босимининг кўтарилиши бошқаларга солиштирганда бир неча баробар кўп учраркан. Шунинг учун биз, биринчи навбатда, овқатланиш тартибини ўрганиб, ўзимизни ўзимиз даволашимиз зарур экан.

— Ахир сен маданиятли ҳам, маданиятсиз ҳам овқатланаётганинг йўқ-ку?! Икки ҳафтадан буён бир марта ҳам туз тотганингни кўрмадим.

— Мадрайим айтган, даволанишнинг энг самарали усули — парҳез. Ўзни очлик билан даволаш!

— Неча кун оч қолиш керак экан? Икки кун-уч кун етмайдими?

— Йўқ. Очлик етти кун, бир ой, уч ой, олти ой ва ундан ҳам кўп давом этиши мумкин. Мадрайимнинг айтишича, очлик қанча кўп вақтга чўзилса, шунча яхши эмиш.

Шундан сўнг билганингни қилавермайсанми, дея уни ўз ҳолига қўйдим. "Очлик азобига чидасанг, минг яша" дедим ичимда. У оч юришини канда қилмади. Энди ундан бохабар бўлиб туришга тўғри келди.

Бир куни тонгда уйғонсам, ёнимда йўқ. Сакраб туриб барча хоналардан излаб чиқдим. Кўринмайди. Сўнг газхонага, товуқ катакларига қарадим. Ҳеч қаерда йўқ.

Бир пайт кўчанинг нариги бошида турадиган Гулайда исмли ҳамшира келинчакни эргаштириб келаётганини кўриб, кўнглим таскин топди.

"Мадрайим дегани шунчаки баҳонага ўхшайди, ўзининг бир "аёллик" касали борми дейман-ов" деган гумон келди ўйимга. Менга айтолмай ийманиб юргандир.

Тўрдаги хонага кириб кетишди. Эшик қулфланди. Бир оздан кейин иккиси ҳам чиқди. Гулайда уйига кетди, бизнинг хотин ҳожатхонага югурди. Бу воқеа ҳар куни давом этаверди. Охири чидай олмай нима бўлаётганини сўрадим.

— Ичимни тозалаяпман, — деди у.

— Йигирма кундан буён овқат емаётган бўлсанг, нимасини тозалайсан?

— Мадрайимнинг айтишича, одамнинг тўқ ичаги бир метру саксон сантиметр бўларкан. Унинг деворлари ким қанча йиллардан буён қолдиқлар билан тўлиб қоларкан. Ана шу қолдиқлар ўз-ўзидан заҳарга айланиб, қонга ўтаркан. Қон заҳарлангандан сўнг янги пайдо бўладиган ҳужайралар касалланган ҳолда дунёга келади. Ана ўша касалланган ҳужайралар бир кун ўпкани, бир кун жигарни, бир кун ошқозонни, хуллас, инсон танасининг барча аъзоларини ишдан чиқариши мумкин экан.

— Яхши, бу гапинг ҳам тўғри дейлик. Бироқ ичингни бир марта ювсанг етмайдими?

— Йўқ, бўлмайди. Мадрайимнинг айтишича, ёши қирқдан ўтган киши ҳафтасига тўрт-беш марта ҳуқна қилиб, ичакларини тозалаб туриши керак экан.

Мадрайимнинг маслаҳати бўйича, аёлим ўзининг вужудини тажриба машинасига айлантирди. Орадан икки ой ўтди. Аҳён-аҳёнда бир пиёла қайнаган сув ичади-да, ўрнига бориб ётади. Бояги одати қолмади. Зўрға қалтираб далага чиқади. Ўзинг биласан, олди қиш. Совуқ одамнинг юрагини оздиради.

— Ҳеч бўлмаса кечқурун бир нарса егин, десам, қаёқда?!

— Мадрайимнинг айтишича, кечқурун ейилган овқат одамнинг соғлиғи учун кони зарар экан, — дейди.

Бу ҳам майли. Тунов куни чорбоғда юрсам, душда бировнинг ияги шақиллаб, қақшаб ўтирибди.

— Кимсан? — дедим.

— Менман-ку, — деди аёлим. — Муздай сувда чўмилаяпман.

— Эсинг жойидами? Ноябрнинг охирида муздай сувда чўмилиб бўларканми?

— Мадрайимнинг айтишича, муздай сув касалликка қарши курашиш имкониятимизни ошираркан.

— Оширса, илиқ кунларда чўмилиб чиниқмайсанми?

— Илиқ вақтдан буён чиниқиб келаяпман-ку. Сиз чўмилаётганимни бугун кўриб турибсиз, холос. Ундан кўра, келинг, мени жойимга олиб бориб ётқизиб қўйинг.

Хуллас, бу уйда менинг айтганим бўлмайди. Мадрайимнинг айтгани айтган, дегани деган! Уч ойдан ошди, аёлим ҳеч нарса емайди, қирқ етти кило озди. Шу орада саксон тўрт марта ҳуқна қилиб, ичини тозалади. Бир юз йигирма бора муздай сувга чўмилди. Ўн икки марта буйрагини, ўн тўрт марта ошқозонини, етти марта қувуғини ювди.

— Дорихонадан келтирган ҳалиги дорингиз қанақа дори эди?

— Талоқни ювадиган мой. Мадрайимнинг айтишича, жигарни ювгандан сўнг уч кун ўтгач талоқни ювиш керак экан.

Дўстимдан эртак тинглагандек оғзим ланг очилиб кечқурун уйимга қайтдим. Кетаётганимда у Мадрайимнинг китобини қўлтиғимга қистириб юборди.

— Барака топгур, жон жўражон, шу китобдан мени қутқар. Уч кундан буён "Қолиб кетган ери йўқмикин" деб китобни қайтадан варақлаяпти.

Уйга келдимда Мадрайимнинг китобини диваннинг устига қўйдим. Ўша куни футбол бўйича жаҳон чемпионати ўйинларини телевизордан кўриб, кечроқ ётдим. Бир маҳал уйғонсам, ёнимда аёлим йўқ. Хонама-хона излаб тополмадим. Ҳовлиқиб чорбоққа чиқсам, боғнинг ичида бир шарпа юрибди.

— Кимсан? — дея овозим титраб сўрадим.

— Ҳа, нима гап? — деб жавоб берди у. Қарасам, аёлим экан.

— Ярим кечада нима қилиб юрибсан?

— Сайр этиб юрибман. Тунги тоза ҳаво қонни суюлтирар экан...

— Ким айтди?

— Мадрайим...

Қорақалпоқчадан
Рустам МУСУРМОН таржимаси

**Муродбой НИЗАНОВ**

Дунё — кенг...

# ЭҲРОМЛАР СИРИ

Боснrealик археолог Семир Османагич қирқ минг йил аввал Европа марказида номаълум сабабларга кўра барҳам топган ғаройиб тамаддун мавжуд бўлганини исботлашга ҳаракат қилмоқда.

...Эҳром ичкариси зим-зиё — хира чироқ туннелни бор бўйича ёритолмайди. Спиралсимон лабиринтга ўхшаш эгри-бугри йўлаклар 8-10 километргача чўзилган. Бу йўлаклар беш йилдан буён кўнгиллилар томонидан муттасил тупроқ ва оҳактошдан тозалаб борилмоқда. Совуқ, оғиздан буғ чиқади, тепадан сув томчилайди. Қўлчироқнинг ўткир нури тош деворга қадалади — унда Е ва Y ҳарфларига ўхшаш руний битиклар ва тимсоллар ўйиб ёзилган.

— Биз бу юмалоқ тошни яқинда топдик, — дейди археолог Индиана Жонс шляпасини тўғрилаб. — Руний битиклар қадимги олмонлар ёзуви бўлиб, милоддан аввалги I асрга доир, деб ҳисобланмоқда. Бу тошнинг ёши эса, қиёсий таҳлилга кўра, Миср фиръавнлариникидан ҳам катта бўлиб чиқмоқда. У ер остидаги бу чуқурликка қандай келиб қолган? Энди чапга — плитасимон япасқи тош турган жойга қаранг: у Мальта оролидаги тош даврига оид қасрлар меҳробининг айнан ўзидай. Милан ва Триеста университетлари ҳамкасб олимларининг тахминича, Қуёш эҳроми, умуман олганда, минг йил давомида қурилган. Асосий муаммо бунда эмас: бу эҳромни кимлар қурган? Мана шу жумбоқ.

Сараево университетининг социология бўйича доктори 51 ёшли Семир Османагич Россия табиий фанлар академиясининг мухбир-аъзоси. У 2005 йили бир неча тадқиқотлардан сўнг Височко шаҳри (Босния ва Герцеговина пойтахтидан 30 километр масофадан) яқинидаги ўрмон билан қопланган тоғ аслида баландлиги 220 метрли эҳром (пирамида) бўлиб, бундан қирқ минг йил бурун ўтган тамаддун ҳосиласи, деб эълон қилди. Орадан бир йил ўтиб, археологик қазишмалар бошланиши биланоқ, тоғ деб келинган ўрмонли баланд тепалик катталиги икки-уч метрли тош блоклардан иборат экани маълум бўлди. Унинг юқорисига зинапоя билан чиқилади, ёнбағридан чорқирра тошли йўл ўтган, чуқурликка эса террасалар (супасимон ёнбағирлик) ўйилган.

Матбуот анжуманида Османагич Височко водийсида ҳаммаси бўлиб бешта пирамида топилганини маълум қилди. Улар қачондир қадимий меъморлар томонидан Қуёш, Ой ва Аждаҳолар тангриси шарафига барпо этилган экан. Барча пирамидалар ер ости туннеллари орқали бир-бири билан боғланган.

— Бизга мактабда тарихнинг ўрганилмаган «оқ доғлар»и қолмаган, деб уқтириб келишарди. Бундай бўлиши асло мумкин эмас, — дея жилмаяди Османагич. — Тарихчилар ўртасида ҳатто Иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги мунозаралар тугамаган бир пайтда, биз 20-30 минг йил бурун сайёрамизда нималар содир бўлганини аниқ айта оламизми? Худо кўрсатмасин, табиий катаклизмлар таҳдид солиб, тамаддунимизни йўқ қилиб юборадиган бўлса, кейинчалик Ерга келиб ўрнашадиганлар биз ҳақимизда ҳеч нарса билмасдан, илгари фақат мамонтлар яшаган, деб тахмин қилиши ҳеч гапмас.

Височко водийсида қазишма ишлари бошланганидан сўнг олимлар иккига ажралди: чиндан ҳам, Европанинг қоқ марказида минг йил давомида бизга номаълум ўзга бир тамаддун пирамидалари ёнма-ён турган-у, унга ҳеч ким эътибор бермаган, деган гапга далилларсиз ишониш қийин-да. Ҳатто Босния ва Герцеговина маданият вазирлиги дастлаб Османагични қўллаб-қувватлаган бўлса-да, 2007 йили мавжуд пирамидаларни табиий жараёнлар таъсирида инсон иштирокисиз ҳосил бўлган, деб расман эълон қилади. Османагич эса, бунга жавобан жаҳондаги таниқли мутахассислар — италиялик профессорларни, машҳур мисршунос Набил Абдел Селим каби олимларни чорлайди. Улар қазишма жараёнини кузатиб, пирамидалар табиий жараён таъсирида ҳосил бўлган, деган фикр нотўғрилигини қайд этишади. Зотан зинапоя ва террасалар табиий жараён туфайли ҳосил бўлмайди. Қуёш пирамидаси моҳият-эътибори билан жаҳондаги йирик иншоот бўлиб, машҳур Хеопс эҳромидан ҳам 30 метр баландроқ.

Илмий мунозаралар тўхтагани йўқ: кимдир сараеволик фан докторини ёлғончиликда айбласа, кимдир уни археология фани доҳийси, деб атамоқда. Бир нарсани айтиш мумкин: пирамиданинг ичкариси ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли, қазишма ишларида бутун дунёдан келган кўнгиллилар ишламоқда. Семир Османагичнинг шахсан ўзи «АиФ» мухбирини ер ости лабиринтларига олиб кирди. Пирамида тубида бутун бир шаҳар бўлганига унинг ишончи комил. Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, лабиринтларни қазиб очиш чоғида одам ёки жонзотлар қолдиғи топилгани йўқ. Ҳатто ўлган ҳашаротларнинг ҳам нишонаси йўқ. Қумурсқалар эса бу жойда ин қурмайди. Османагичнинг фикрича, бу ҳол Юкатандаги барча шаҳарларни ёндирган табиий катаклизмдан далолатдир. Яна шуни ҳам айтиш керакки, дунёдаги барча пирамидалар ягона бир чизма асосида барпо этилган. Босниядаги «мўъжиза»нинг тўрт тарафи ғарб, шарқ, шимол ва жанубга қараган, шимол тарафи эса худди Миср ва Мексикадаги эҳромлар каби Қутб юлдузи томон йўналган. Руний белгилар ўйилган тошлардан ташқари, қазишма чоғида ғалати нақшлар туширилган устунчалар ва плитасимон япасқи тошлар ҳам топилди. Хўш, минг йиллар бурунги тамаддун Европанинг қоқ ўртасида бундай улкан иншоотларни барпо этишга қандай куч топган?

— Мен кўп йиллардан бери эҳром-пирамидаларни тадқиқ этиш билан шуғулланиб келаман, — дейди қўлчироғини баланд тутган археолог Османагич. — Шуни айтмоқчиманки, ҳатто Мисрда ҳам эҳром (пирамида)лар мақбара шаклида қурилган, деган расмий нуқтаи назарни айрим олимлар тан олмайдилар. Қадимий Мисрда бирон қоришмасиз, бинокорлик минораларисиз, оддий қўл билан бундай улкан иншоотлар тиклланганига жўяли бир изоҳ йўқ. Пирамидалар фақат Миср, Перу ва Мексикада эмас, бутун дунёда мавжуд. Африкадаги Тенериф оролида, Маврикияда, Индонезияда поғонасимон, Тайван яқинида эса сувости пирамидалари бор. Хўш, улар кимларга, қайси тамаддунга тааллуқли, энг муҳими, қандай мақсадларга хизмат қилган?

...Биз пирамида ичкарисида, юмалоқ тош устида тўхтаб, нафас ростладик. Ҳар нарсага шубҳа билан қаровчи скептик сифатида ҳозир Османагич менга атлантлар ва Лемурия аҳолиси ёки ўзга сайёраликлар ҳақида ривоят айтса керак, деб сабр-тоқат билан кутиб турдим. Йўқ, бундай бўлмади. Чунки булар у қадар оддий муаммолар эмас экан...

Европада мамонтлар билан ёнма-ён яна кимлар яшаган? Нега пирамидаларни электростанция, деб ҳисоблаш керак?

(Г.Зотов репортажи якуни билан келгуси сонда танишасиз.)

«АиФ»нинг 27-сонидан.




"ШЧ" ҳангомаси

# ЙЎЛДАГИ ГУРУНГЛАР

**ДАМАС:**

**— Хизматдамиз одамга,**
**Қулаймиз "Тез-ёрдам"га.**
**Кимларга такси — Дамас,**
**Деманг бизни индамас!**
**Ким учун гўё омбор...**
**Ҳали ҳисоб-китоб бор.**

**ТРОЛЛЕЙБУС:**

**— Бошда шохим бўлса ҳам,**
**Ўз йўлимдан чиқмайман.**
**Дуч келган кўчаларга**
**Асло бурним тиқмайман.**

**ТИКО:**

**— Ўрмондаги қуёндек**
**Сал ҳовлиқиб юраман.**
**Сиз нафас ростлагунча**
**Ёнингизда тураман.**

**ТРАМВАЙ:**

**— Аниқ манзилни кўзлаб,**
**Темир йўлда йўртаман.**
**Йўлимга ғов бўлганни**
**Тумшуғидан туртаман.**

**КАМАЗ:**

**— Бизга қилишар ҳавас,**
**Ўзин қиёслайди "МАЗ".**
**Зил-замбил юклар ташиш**
**Ҳаммага ҳам осонмас.**

**АВТОБУС:**

**— Фарқи йўқ: бензин ё газ,**
**Мослашди ҳаттоки "ПАЗ".**
**Русумимиз жуда мўл,**
**"Мерс...", "Икарус", "Ота йўл".**
**Кун-тун йўловчи боис**
**Бағримиз бутун доим.**

**Абдулла АЙИЗОВ**



# "ЯХШИ", "ЁМОН" ВА "БАТТАР"

1.Хотинингиз ошхонада куймаланишни хуш кўради...

Бу яхши!

2.Аммо у тайёрлаган овқатни оғизга олиб бўлмайди.

Бу ёмон!

3.Хотин тайёрлаган "таом"ни ейишга мажбурсиз.

Бундан баттари бўлмайди!

* * *

1.Болангиз мактабдан ҳар куни "аъло" олиб келади.

Бу яхши!

2.Аммо бу баҳоларни ўқитувчи "текинга" қўймайди.

Бу ёмон!

3.Ана ўша ўқитувчи, бу — ўзингиз...

Бундан баттари бўлмайди!

* * *

1.Сабзавот сақлаш учун ўра қазиб қўйдингиз.

Бу яхши!

2.Аммо ўрада сақлаш учун сабзавотингиз йўқ.

Бу ёмон!

3.Сабзавот ўрнига ўзингиз йиқилиб тушдингиз.

Бундан баттари бўлмайди!

**Муҳаммад ОЧИЛ**

Қатралар

# БАХТИЁР "ТУЛКИ"

Тулкини тутиб, терисини шилиб, сўнг қўйворишиб, ортидан ҳазил-мазах қилиб гап отишди.

"Аҳволинг қалай энди?"

Тулки ўзи не аҳволдаю бошини мағрур кўтариб деди:

— Ҳар ҳолда қайнона-қайнотаси билан турадиган куёвга қараганда анча дуруст!

Ана шундай, бўтам... Ичкуёв бўлдинг, иткуёв бўлдинг!

# "ЎСИШ" СИРИ

Янги бошлиқ тайинланиш муносабати билан ишхонада тезкор "аттестация" ўтказиладиган бўлди. Ҳамма ҳовлиққан, шошган, юраклар така-пука...

Синов ўтказилаётган хонада қўлини орқасига қулф қилганча, у бошдан-бу бошга бориб келаётган бошлиқ тўсатдан тўхтади. Кўзларини юмди. Бошини орқага ташлади. Энгаги олдинга чўзилди: Ап-пчшу!

Қаттиқ ияк силкинишидан бошлиқнинг бошидаги шляпа "учар тарелка"дек парвоз қилиб, оҳиста полга қўнди.

Атрофга жимлик, синовдан ўтаётганларнинг кўнглига саросималик чўкди...

Сукунатни биринчи бўлиб хўжалик ишлари мудири бузди. У чопқиллаганча бориб бош кийимни қўлига олди. Чанг-чунгини ҳафсала билан қоқди. Сўнг шляпани икки букилиб бошлиққа узатди:

— Соғ бўлсинлар!

Шу кунларда хўжалик мудири бошлиққа "зам", қолганларнинг боши эса хам эмиш.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 uzas@b2c.uz
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41 уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.28

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 5783 Буюртма Г — 744. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН